

HUQUQ

13

(432)

YURIDIK GAZETA

Mart

D.	6	13	20	27	
S.	7	14	21	28	
Ch.	1	8	15	22	29
P.	2	9	16	23	30
J.	3	10	17	24	31
Sh.	4	11	18	25	
Y.	5	12	19	26	

2006

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqq boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz



23-24 mart kunlari poytaxtimizning «Ўзқўргазмасавдо» мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун «Ташаббус – 2006» кўрик-танловининг якуни – республика bosқичи кўргазмаси ва мухташам «Туркистон» саройида танлов голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда республика bosқичига чиққан 50 га яқин кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар учта номинация бўйича ўз ютуқларини намойиш этишди.

«Энг яхши хунарманд» номинацияси бўйича шахрисабзлик мохир каштадўз Гулнора Одилова, «Энг яхши тадбиркор» номинациясида бухоролик Муҳаббат Тешаева, «Энг яхши фермер» номинациясида Тошкент вилоятининг Келес шаҳридаги «Тўхтанийёв ота» фермер хўжалиги (раҳбари Муҳтор Тўхтанийёв) голиб деб топилди.

Суратда: Республика Президенти соврини – «Матиз» енгил автомашинаси билан мукофотланган голиблар.

Muhokama

Тортишув тамойили тараққиёт гаровидир

«Ипотека тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг 2005 йил 14 ноябрда ҳукумат томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилганидан кўпчиликнинг хабари бор. 14 декабрда палатанинг ялпи мажлисида биринчи ўқиш давомида кўпчилик депутатлар лойиҳанинг концепциясига нисбатан таклиф ва мулоҳазаларни ўртага ташлашди. Иккинчи ўқишга қадар бажарилиши лозим бўлган ишлар юзасидан фикрлар билдирилди.

Жумладан, депутат А.Козловнинг фикрича, қонун лойиҳасида Президентимизнинг 2005 йил 16 февралдаги қароридан қайд этилган уй-жой қурилишини ипотека орқали кредитлаштиришга бағишланган нормалар етарли даражада ёритилмаган. Ипотекага қўвончининг ҳуқуқлари ёзилмаганлиги, ер участкасига бўлган ҳуқуқлар тушунарсизлиги, ипотекани суғурта қилдириш, нотариусдан ўтказиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнлари аниқ бўлмаганлиги сабабли 2005 йилнинг 5 августидан Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида бўлиб ўтган муҳокамада лойиҳани ХДП фракцияси қўллаб-қувватламаган. Қайтадан муҳокамага киритилган қонун лойиҳасида «ипотека кре-

дитлашининг қўллаб-қувватлаш фонди», «Фонд маблағларидан фойдаланиш», «ипотека кредитларини ажратиш шартлари» каби англиклар киритилган. Шундай бўлса-да, қонун лойиҳаси ХДП фракцияси аъзоларини қаноатлантирмаган.

Қонунчилик палатасининг депутатлари лойиҳа камчиликлардан холи бўлмаса-да, ун биринчи ўқишда қўллаб-қувватлаб:

- лойиҳа бобларини бир тизимга тартиб билан жойлаштириш;
- гаровга қўйилган мулкни суддан ташқари ундирув тартибини белгилаш;
- гаровга қўйилган мулкни суддан ташқари сотиш тартибини белгиловчи моддани киритиш;
- қонунда тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тенглаштириш;
- ер участкасига бўлган ҳуқуқларни гаровга қўйишни аниқлаштириш;
- солиқ имтиёзлари тўғрисида модда киритиш;
- рўйхатга олиш ва гувоҳнома олишни алоҳида бобда белгилаш;
- лойиҳага турар-жойлар, қурилиши тугалланмаган уй-жойларни киритиш таклифини билдиришган.

(Давоми 5-бетда.)

Tahlil va saboqlar

Ватандан ташқарида Ватан йўқ

Ўзбекистон Олий судида 2005 йилнинг 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида террорчилик ҳаракатлари ва бошқа ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланган 15 нафар шахсга нисбатан кўрилатган суд жараёни ниҳоятга етди. Ушбу оқиб суд жараёни юздан ортиқ чет эл ва мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари, дипломатик миссиялар ва халқаро ташкилотлар вакиллари кузатиб боришди.

Очиги, суддан сўнг яна айрим хорижий ОАВ вакиллари ва баъзи бир нашрлар тагин информацион ҳамлани бошлаб юбордилар. Гўёки, улар, аниқ қилиб айтганда, суд ҳукмидан норизо бўлишади. Нохолисликка йўл қўйилди деган мазмунда айюҳаннос солишади. Масалани атайлаб мураккаблаштиришга уринишади. Нима қилиб бўлса ҳам яна бир бор Ўзбекистонни оёқсизлантиришга жон-жаҳди билан киришилганини ошкор этишади.

Халқимиз бир нарсани яхши англади: Андижон воқеалари юзасидан суриштирув олиб борилаётган кезларда бу жараёнга бир ёқлама муносабатда бўлган деб, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари поймол этилаётти деб жар солган баъзи «таҳлилчилар»нинг вазифаси Ўзбекистонда тинчлик, осойишталик ҳукм суришига йўл қўймаслик, вазиятни бекардорлаштириш, бу ерда ўзига хос оловли нўқта пайдо қилишни ният этган ташқи кушларнинг ёвуз режаларини хаспўшладдан иборат бўлган. Улар дунёга жар солиб, Ўзбекистонда демократия йўқ, тинч аҳоли намойишига тўқинлик қилинмоқда, Андижонда кўпуровчилик содир бўлмаган эди, бу аҳоли намойиши эди деган асосиз фикрларни илгари суришди.

Шундай фикр ва уйдирмаларни тарқатган баъзи хорижлик мухбирлар вазиятни тесқари талқин қилиб, бор ҳақиқатни яшириши керак эди. Сабаби, мазкур террорчилик ва кўпуровчилик ҳаракатларини амалга оширишни обдон режалаштирган ташқи кушларнинг қиёфаси, асил мақсади ошқор бўлиб қолмаслиги керак эди.

(Давоми 4-бетда.)

Axborot

Илмий-амалий семинар

24 март куни Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингинг институтида «Амалдаги қонун ҳужжатлар мониторинги: назария ва амалиёт масалалари» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Тадбир Президентимизнинг 2005 йил 10 мартдаги «Жамиятни демократлаштириш ва ангаиш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисида»ги қарорига биноан тасдиқланган «Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида қонунчилик ҳокимиятининг таъсири ва ролини кучайтириш соҳасидаги устувор йўналишларни амалга ошириш» концепциясига мувофиқ ташкил этилди. Семинарда маърузачилар Ўзбекистон ва хорижий давлатлар қонун ҳужжатлари мониторингинг асосий йўналишларининг ҳозирги ҳолатига тўхталиб ўтдилар. Сўзга чиқувчилар қонунчилик мониторингини амалга ошириш доирасини аниқ белгилаш юзасидан мулоҳазала-

рини билдиришди. Қонун ҳужжатлари мониторингинг — амалдаги қонунларнинг ҳолатини мунтазам таҳлил қилиш, баҳолаш, прогноз қилиш ва шу асосда давлат ва жамият ҳаёти барча жабҳаларининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, унинг тўлиқлиги ва сифатини яхшилашга қаратилган таклифларни ишлаб чиқишдан иборат яхлит жараён ҳисобланади.

Қонун ҳужжатларининг мониторингинг бугун қандай бўлиши керак, унда кимлар иштирок этади ва унинг самарасини ошириш учун нималар қилиниши зарур каби масалалар семинарнинг қизгин мунозаралар руҳида кечишига сабаб бўлди.

Семинарда илмий ва амалий аҳамиятга эга тавсиялар ишлаб чиқилди. Унда депутат ва сенаторлар, ҳуқуқий муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва юридик таълим муассасаларининг илмий ходимлари қатнашдилар.

Шавкат ЁДГОРОВ,
«Huquq» мухбири

Xabar

ЖАРАЁН

Фаргона вилоят прокуратурасида бўлиб ўтган мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида экстремистик оқимларнинг фаолиятига қарши кураш қандай йўлга қўйилгани муҳокама қилинди. Вилоят прокуратурасининг бўлими прокурори Ш.Қодиров бу борада йўл қўйилган камчиликларга тўхталиб ўтди. Туман прокурорлари ва ИИБ бошлиқлари камчиликларни бар тараф этиш хусусида мулоҳазаларини баён этдилар. Вилоят прокуратурининг биринчи ўринбосари О.Аҳмадзонов экстремистик оқимларнинг фаолларини жавобгарликка тортиш билан бирга ғояга қарши ғоя билан курашиш, эъмоат ташкилотларини жалб этган ҳолда фуқаролар ўртасида маънавий-маърифий тадбирларни мунтазам ўтказиб, динимизнинг моҳиятига зид ташвиқот таъсирини йўққа чиқариш зарурлигини таъкидлади. Йиғилишда тегишли қарор қабул қилинди.

Исроил ИБРОҲИМОВ,
«Huquq» мухбири

Банк иши

Банк тизимидаги қонубузилишлар миждоларнинг ишончига путур етказаяпти. Бун Андижондаги банклар мисолда ҳам кузатиш мумкин.



2 бет

Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар аҳоли

Ушбу соҳадаги асосий муаммолардан бири муаллиф, ижрочи ва бошқа субъектлар ҳуқуқий саволнинг пастлигидир.



5 бет

Амир Темур қахрамонлиғи

Биз бу улмас сиймонинг ватандошларини сифатида унинг маънавий меросини чуқур ўрганишга ва энг яхши инсоний фазилатларидан ибрат олишга бурчимиз.



12 бет

Фожеа

Нафсин буйсуқдирин ҳар қандай кишининг қўлидан келавермайди. Хусусан, спиртли ичимлик билан ошно туттинганлар бу имкониятдан тамоман мусовдир.



14 бет

Qayerdan:

Xatlar va bilan aloqalar sahifasi

Qayerga: *Shoakeni maxfi, akadevik Yul Farabi k'chasi, 66. «Huquq» gazetasi maxfi-riyatiga, 700047*

E'tirof

Harbiylar ham bee'tibor emas

Биз Сўх тумани мудофаа ишлари бўлимининг ходимлари «Huquq»нинг ҳар сонини мароқ билан ўқиб борамиз. Газета саҳифаларида бериладиган криминал хабарлар, жиноят оламидаги воқеалар эътиборимизни тортади. Шунингдек, охириги бетдаги дам олиш саҳифаси ёқди. Кейинги пайтда унда мураккаб иборалардан тузилган ребуслар бериб борилаётганидан жуда хурсанд бўлдим. Газета айнан охириги саҳифада сканворд, крассвордларни бериб бориши зарур деб ҳисоблайман. Шундагина мухлисларнинг эътиборини жалб қилган бўларди.

Nusratulla TUTIYEV,
So'x tuman mudofaa ishleri bo'limi xodimi

Javob

Arizadagi vaj tasdiqlandi

Ҳазорасп туман прокуратураси томонидан Мухомон кишлоғида яшовчи Мансурбек Матёкубовнинг деҳдон хўжалиги юритиш учун ер ажратиб бериш юзасидан «Huquq» газетасига ёзган аризаси ўрганилди. Ҳақиқатдан ҳам М.Матёкубов деҳдон хўжалиги юритиш учун ерга муҳтож эканлиги аниқланди. Прократура аралашуви билан унга 2006 йил 1 март кuni 0,10 гектар ер ажратиш ҳақида туман ҳокимининг қарори чиқарилди. Мутасаддилар иштирокида тегишли кунурдан ер ўлчаб берилди. Илгари шу масала юзасидан М.Матёкубовнинг бир неча бор қилган мурожаатларини қонуний ҳал қилмай сансоларликка йўл қўйган шахсларга нисбатан интизомий чора кўрилди.

Q. JABBOVOR,
Hazorasp tuman prokurori

Minnatdorchilik

Adolatsizlikka barham berildi

Республика Бош прокуратурасига ҳар кuni ўнлаб хатлар келади. Аризалардаги вазлар тегишлилиги нуқтаи назардан прокуратура раҳбарияти ва жойлардаги прокуратура органлари томонидан кўриб чиқилади ва қонуний баҳо берилди. Мана шундай сўбй-ҳаракатлар натижасида кўплаб фуқароларнинг ҳуқуқлари тикланади ва жиноятчилар жазосини олади. Муаммоси ҳал этилган фуқаролар миннатдорчилик билдириб хат ёзишади. Яқинда шундай хатни «Ўзтемирйўлчу» ОАЖ Хоразм филиали вагон кузатувчиларидан олдик. Унда шундай сатрлар бор:

«Хурматли Рашидjon Ҳамидович! Сизнинг ҳаракатларингиз билан биз яна ишимизга тикландик. Ҳақиқатнинг қарор топишда топширингизга асосан Оролбўйи транспорт прокуратураси қатъият кўрсатди. Бизга нисбатан қилingan адолатсизликка барҳам берилди. Шу муносабат билан Оролбўйи транспорт прокуратурасига миннатдорчилик билдираимиз.»

Шу мазмундаги хат Тўрткўл шахрида яшовчи И.Сапаевдан ҳам олдик. Унинг бир неча йилдан бери ололмай келаётган 1.400.000 сўм пуллари Бош прокуратура аралашуви билан ундириб берилган.

Shuhrat QAHOROV,
Respublika Bosh prokuraturasi bo'lim katta prokurori

Maktabda o'tkazilgan seminar

Биз, Наманган вилояти Уйчи туманидаги 42-ўрта мактабнинг 8-«а» синф ўқувчилари «Huquq»нинг доимий обуначиларимиз. Газетада берилётган мақолаларни доим кўзатиб борамиз.

Яқинда мактабимизда ҳуқуқ-тартибот идораларининг ташаббуси билан ҳуқуқий саводхонликка оид семинар бўлиб ўтди. «Гийҳандликка қарши кураш», «Менинг бўш вақтим», «Ақидапарастликка йўл йўқ» мавзуларида ўқувчилар ўзаро баҳслашдилар. Уларнинг шу мавзуда тайёрлаган расм ва бошқа ижод намуналари намойиш этилди. Ватанпарварлик руҳидаги кўшиқлар ижро этилди. Махалла фаоллари, ота-оналар иштирок этган бу тадбирдан биз жуда кўп нарсани англаб етдик.

Kamolot RISQULOVA, Husniddin ABDUVALIYEV,
Uychi tumanidagi 42-maktab o'quvchilari

Ehtiyot bo'ling, firibgar!

Saboq bo'lsin

Хурматли таҳририят! Ушбу хатни ёзишимга қаллоб, нобакор одамларнинг қилмишлари сабаб бўлди.

2006 йил 22 феврал кuni чўнтагимга 18.000 сўм пул солиб, турмуш ўртоғим билан Гулистонга жўнадик. Сафаримиздан мурод қариндошимизнинг яқинда отаси қаза қилганлиги боис таъзия изҳор қилиш эди. Соат кечки тўртларда шахарга етиб келдик. Темирйўл устидан ўтувчи катта кўприк олдида бир киши менинг палтомдан тортиди. Еши йигирмалар чамасидаги бу йигитча:

— Амаки, мана бу билетни очиб беринг, — деб кисталанг қилди. Мен унга вақтим йўқлигини айтиб йўлимда давом этмоқчи бўлдим. Лекин у ва шериклари турли айдовлар билан бизни ўзларига жалб қилишди. Неҳта билет олмайин ҳаммасига ютук чиқарверди. Лотереяда фақат ютукли билет деган ёзув бор эди холос. Этинга чарм кўртка кийиб олган сотувчи эса билет номерларини олдид турган ютуқлар журнали билан солиштириб кўрди ва менга юзланиб:

— Манавинисига 200.000 сўмлик телевизор, мана бу номерга 50.000 сўм оласиз. Менинг хизмат ҳақимга 1000 сўм, суюнчисига 10.000 сўм берасиз, — деди. Бу аврашларга ишониб, ёнимдан 11.000 сўм чиқариб бердим. Сотувчи йигит пулимини олди-да, устига тахминан ўттиз-қирк минг сўм пул қўшиб шу ерда турган бошқа бир одамга берди.

— Бу одам ҳам ютуғингизга шерик, бориб пулларингизни бўлиб олингизлар, — деди у пинагини бузмай.

Пулни олган одам эса оломоннинг ичига кириб йўқ бўлиб кетди. Шу орада сотувчи йигит ҳам кўринмай қолди. Унинг ўрнига бошқа бир қирқ ёшлар чамасидаги сотувчи пайдо бўлиб худди шу хунарин давом эттира бошлади. Энди тушунсам бу ерда турган тўрт-беш нафар кишилар ҳаммаси сар пулғуҳ экан. Алданганимни тушуниб пулимини талаб қилдим. Янги сотувчи эса пул йўқлигини айтди. Шу тоғда бизга «шерик» бўлган бола келиб сотувчига 5000 сўм берди. Унинг қўлидан шартта ушладим. Бола эса мени танмаслигини, ўзи ҳам менга ўхшаган одам эканлигини айтиб, ҳеч нарсани тан олмади. Катти туриб талаб қилаверганимдан сўнг минг бир ҳақорат билан 5000 сўм пул берди. Бу жиноий гуруҳнинг бошқа тўрт-беш аъзоси мени сўқиб-силтаб бу ердан суриб чиқаришди. Хотиним билан кетаётган ёнимдан ўтаётган ёш бир киз бизни юпатди. Унинг айтишича, салгина олдин қаллоблар худди шу йўл билан бир жувонининг тилла тақинчоқларини олиб қўйишибди. Уларнинг жиноий қилмишига милиция инспектори, бозор маъмуриятининг бепарволиги мени ажаблантирди.

Хурматли таҳририят! Ушбу хатини газетада чоп этсангиз, Зорва бу бошқаларга сабоқ бўлиб, бозор мутасаддиларини ҳушёрликка қажирса.

Karim IBROHIMOV,
Jizzax viloyati Zomin tumani Jarqishloq qishlog'i



А.Тураев олган сурат
Тандир тўлаиб ёпилиди нон...

Bong

«Faxriy yorliq» oddiy qog'ozmi?

«Жарқўрғон» газетасининг 2005 йил 17 январ сониде «Галвир сўвдан кўтарилганда» номли мақола чоп этилди. У 21-умумтаълим ўрта мактабининг 10-синф ўқувчиси Зийнат Пардаева (қизим) ҳақида эди. Қизим биология фани бўйича ўтказилган фан олимпиадасининг вилоят босқичида 1-ўринни эгаллаб голиб бўлди. Мақолада жумладан, шундай сўзлар битилган эди: «Халқаро олимпиадада иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритган Зийнат Пардаевага омадлар тилаймиз». Туман Халқ таълими бўлими услубчиси Ойнаҳол Ҳўжамбердиевнинг имзоси билан босилган ушбу мақола ва хабар нафақат қизимни, балки бутун оиламиз, ҳатто мактабининг барча ўқувчи ва ўқитувчиларини ҳам кўвонтириб юборди.

Мени ва қизимни туман Халқ таълими бўлимига қажиршиб, «Қизингиз Жиззах вилоятининг Зомин туманига — халқаро олимпиадада иштирок этиш учун бориши керак», — деди ва керакли ҳужжатларни ҳозирлаб беришим зарурлигини айтишди. Мен барча тайёргарликни кўриб бўлдим. Аммо, ёзи таътил бошланиб, охирида қолди ҳамки, сафардан дарак бўлма-

ди. Бу ҳолатга изоҳ сўраб туман ХТБ мудирин С. Шерматовга мурожаат қилганимда, жаноб бу гаплардан беҳабар эканлигини айтиб, «Ҳўжамбердиевнинг ўзи гап чиқаргандир-да» дея қаёққадир шошилганча чикиб кетди. Жумбоқ ечимини топмай жумбоқлигига қолди...

Бу йилги битирувчи синф ўқувчиларини ўртасида ўтказилган биология фани бўйича вилоят босқичи олимпиадасида ҳам Зийнат 69,75 балл йигиб, голиб бўлди. Мен қатори ҳамма уни табриклади. Биология фани ўқитувчиси Гўлбаҳор Худойбердиевнинг қувончн чексиз эди. Бирок, Зийнатта берилган «Фахрий ёрлиқ» эди. «21-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиси Зийнат Пардаева» дейиш ўрнига «15-ИМИ ўқувчиси Зийнат Пардаева» деб ёзиб қўйилгани ҳаммамизни ҳайратга солди. Уз мактабимни ёзиб берингллар деб олимпиада ҳакамлар хайъатига мурожаат қилган қизимга «Фамилиянгиз тўри-ку, қолганининг нима аҳамияти бор?» — деб чиқариб юборишибди.

Биология ўқитувчиси Г.Худойбердиевнинг туман ХТБга қилган мурожаатидан сўнг «Фахрий ёрлиқ»ни ўзлари олиб қолишди.

Қизимга эса «15-ИМИ» сўзлари оқ бўёқда штрикларб ўчирилган ҳамда «21-умумий ўрта таълим мактаби» сўзлари ёзилган фахрий ёрлиқнинг оқ-қора кўсёро нусхасини тутқазибди. Қизининг муаллимаси, мактаби учун ўқинганини кўриб, туман ХТБ мудирин муовини Э.Валиевага ураб, фахрий ёрлиқни қайтариб бердим. У эса ўзим вилоятдан тўғирлаб ёздириб келаман, деди. Аммо, шуни деб бу жаноб ҳузурига неча марта талаб қатнаган бўлсам хар сафар хар хил баҳоналар битилган жавоблардан бошқа ҳеч нарса ололмадим.

Гап муқофотда ҳам эмас. Билим масканлари мутасадди раҳбарларининг билимига чанқоқ ёшларни рағбатлантиришга нисбатан бундай ёндовуларнинг қандай тушунса бўлади? Хато ёзилган фахрий ёрлиқ синик, қимматбаҳо буюмдан нима фарқи бор? Ахир ХТБ раҳбарияти томонидан берилган фахрий ёрлиқ саводсиз бола қоралайдиган оддий қоғоз эмас-ку!

A.O'RAZAYEV,
Jarqo'rg'on tumani,
Namuna mahallasi

Gazetada bosilmasa ham...

Tahririyat aralashgach

Таҳририятимизга Ургут туманидаги «Бобур» ширкат бўйичаги «Дўстлик» маҳалласида яшовчи Й.Бахриддинов шикоят йўллаб, туман суд икромчилари унга тегишли ижро ишини пайсалга солаётганини маълум қилган эди. Яқинда махсус мухбиримиз ўшбу мурожаат юзасидан вазиятни ўрганиб қайтди.

Маълум бўлишича, Й.Бахриддинов Максуда Каримова унга қарашли 600 квадрат метрни гафрлик юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Тойлоқ туманлараро судига ариза берган ва талаби қаноатлантирилган. Суднинг қарори Ургут туман суд икромчилари бўлимига 2005 йил 31 август кuni келиб тушган. Ижро ҳужжатлари «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонуннинг 8-, 24-моддаларига асосан Тойлоқ туманлараро судига қайтарилган. Таҳририят аралашуви билан ушбу ишга оид ижро иши қайтадан ҳаракатга келтирилди.

Tahririyat

Юртимизда азалдан бировнинг асарини ўзлаштириш ахлоқсизлик ҳисобланган, унинг мазмунини бузиб кўрсатиш эса жамоатчилик томонидан қораланган. Китоблар муаллифлик ҳуқуқининг субъекти сифатида қўлэзма шаклида тарқатилган. Бунда асар муаллифлари билан бирга таттолар ҳам муҳим ўрин тутган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишда янги давр бошланди. Уни ички ҳуқуқ нормаларини аста-секин ҳалқаро келишувлар ва энг сўнгги илмий-техникавий тараққиёт ютуқларига мослаштириш даври деб изохлаш мумкин.

1996 йил 30 августда Ўзбекистоннинг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Унда тўғридан-тўғри фойдаланишга мўлжалланган нормаларга кенг ўрин берилган. Ўзбек қонунчилиги тарихида биринчи марта Совет иттифоқида ҳимоя қилинмаган турдош ҳуқуқлар қонун ҳимоясига олинган. Халқаро нормаларга мувофиқ ҳимоя қилинувчи объектлар сони ортиб, муаллифлар билан бирга ижрочилар, фонограмма тайёрловчилар ҳамда эфир ва кабел узатиш ташкилотларининг ҳуқуқлари эътироф этилган. Қонуннинг алоҳида хусусияти унинг бозор муносабатларига мослаштирилганидир, яъни, муаллифларнинг мулкӣ ҳуқуқлари ўзига хос товар бўлиб, улар келишув асосида бемалол бошқа шахсга ўтказилиши мумкин.

Мазкур қонун муаллифлик ҳуқуқи соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи ягона ҳужжат эмас. Ундан ташқари бундай муносабатлар Конституция, Ҳуқуқлар кодекси, ҳукумат қарорлари, шунингдек бошқа қонунлар билан тартибга солинади.

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳақида икки ва кўп томонлама шартномалар туза бошлади. Айни пайтда мамлакатимиз кўп томонлама шартномаларга аъзодир. Хусусан, 1993 йил 24 сентябрда Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. Унга қўра давлатлар ўз худудида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларнинг 1952 йилги Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги умумжаҳон конвенцияси даражасида ҳимоя қилинишини таъминлаш, мазкур ҳуқуқ объектларидан ноконуний фойдаланишга қарши курашишга келишиб олдилар.

Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар аҳволи



1998 йил 6 мартда Москвада Интеллектуал мулк соҳасидаги қонунбузарликларнинг олдини олиш ҳақидаги битим Озарбойжон, Грузия, Қирғизистон, Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Молдова, Россия, Тожикистон, Ўзбекистон, Туркманистон ва Украина томонидан имзоланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Озарбойжон (1997 йил 18 июн), Украина (1998 йил 19 феврал), Туркия (1998 йил 13 апрел) ва Хитой (1999 йил 8 ноябр) билан интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида икки томонлама ҳамкорлик тўғрисида битим тузган.

Нихоят, Ўзбекистон 2004 йил 27 августда муаллифлик ҳуқуқи соҳасидаги муҳим халқаро шартномалардан бири — Адабий ва бадиий асарларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Берн конвенцияси (1971)га қўшилди.

ташланади, аммо шу билан бирга илҳодий фаолият натижаларидан ноконуний фойдаланиш билан боғлиқ қатор муаммоларни ҳам келтириб чиқарди. Афсуски, ҳукуматимиз кўраётган чоралар муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун ҳали етарли эмас.

Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги асосий муаммолардан бири муаллиф, ижрочи ва бошқа субъектлар ҳуқуқий саводининг пастлигидир.

Ҳозир Ўзбекистонда хорижий муаллифларнинг асарларидан ҳақ тўламадан ва муаллифнинг розилигини олмадан фойдаланиш ҳоллари кўп учрайдики, бу ички ва халқаро қонунчилик нормаларини бузишдир. Ҳатто муаллифлики ўзлаштириш ҳолатлари ҳам кузатишмоқда.

Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлигининг тах-

лиллари шуни кўрсатдики, ижрони ташкил қилишда (қўшиқчи мусиқа ва шёар муаллифлари билан асарни ижро этиш ҳақида шартнома тузиши керак бўлганда):

- 98 % ҳолларда муаллифлик шартномаси тузилмайди;
- 60 % ҳолларда муаллифларнинг розилиги олинади ва муаллифлик ҳақи тўланмайди;
- 50 % ҳолларда муаллифларнинг розилиги олинади, аммо муаллифлик ҳақи тўланмайди;
- 40 % ҳол-

ларда муаллифларнинг розилиги ҳам олинмайди, муаллифлик ҳақи ҳам тўланмайди.

Муаллиф ва ижрочи бир киши бўлган ҳолатлар ҳам учрайди албатта. Бундай ҳолларда шартнома тузилмайди, аммо қолган барча ҳолларда шартнома тузилиши зарурлиги қонунда қатъий белгилаб қўйилган.

Ижрочиларнинг хатти-ҳаракатларидан нафақат муаллифлар азият чекамда, балки ижрочиларнинг ўзи ҳам фонограмма тайёрловчиларнинг ҳаракатларидан норозиدير. Фонограмма тайёрловчилар эса ўз навбатида фонограммалардан ноконуний фойдаланилишидан зарар кўришяпти. Шу тариқа фақат ҳуқуқ эгасига эмас, балки давлатга ҳам жиддий зарар етказилмоқда, чунки унинг бюджетига даромад солиғи тўшмайди.

Мисолга мурожаат этамиз. Фонограмма тайёрловчиси ижрочи би-

лан шартнома тузади ва унга ҳақ тўлайди. Давлат бюджетига тушадиган барча солиқларни тўлайди, табиийки, бу харажатлар ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг таннархида акс этади. Маҳсулот тиражлангандан ва тарқатилгандан сўнг қароқчилар уни кўчириб сотувга чиқаради, албатта, улар ҳеч қандай ҳақ ҳам, солиқ ҳам тўлашмайди. Маҳсулотнинг таннархи эса фақат бўш кассета ёки компакт диск нархи ва қўшимча қийматидан иборат бўлади.

Халқаро Фонографик сановат федерациясининг маълумотларига қараганда, ҳар йили бутун дунё овоз ёзиш сановатининг қонранташига тўғривари кўрадиган зарари тахминан 2 млрд. АҚШ доллари ёки сановат айланмасининг тахминан 10 фоизини ташкил қилади.

Хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг кенг тарқатиладиган интеллектуал маҳсулоти бозордан қонуний наشريларни, киностудия ва бошқа маҳаллий фирмаларни сиқиб чиқармоқда, миллий интеллектуал бойликлар ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайишига олиб келаяпти. Бундан маҳаллий тадбиркорлар ҳам зарар кўрмоқда.

Сўнгги йилларда қатор давлатларда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан боғлиқ фаолият ялпи миллий маҳсулотнинг тахминан 3-5 фоизини беради. Адабий ва бадиий асарларни яратиш, тарқатиш ва улардан фойдаланиш бўйича фаолият оддий иқтисодий муносабатлар доирасидан четга чиқади — у жамиятнинг ривожланиши учун зарурдир.

Шу муносабат билан янги таҳрирдиги муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонунда ҳуқуқбузарларга қарши қаратилган чора-тадбирлар комплекси қўзда тутилмоқда.

Зарарни қоплаш, даромаднинг ундириш ёки компенсация тўлатиш билан бирга суд асар ёки фонограмманинг контрафакт нусхаларини, шунингдек, уларни олишда қўлланган материал ва ускуналари муносабда қилиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин. Бунда асар ёки фонограмманинг контрафакт нусхалари муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқ эгасига берилиши мақсадга мувофиқдир.

Алишер ҲАФИЗОВ,
Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги бош директорининг ўринбосари

Тортишув тамойили тарққиёт гаровидир

(Давом. Бошланғич 1-бета).

Депутатларнинг қонун лойиҳаси бўларини бир тизимга тартиб билан жойлаштиришни тақлиф этганлиги, гаровга қўйилган мулкни суддан ташқари ундирув тартиби белгиланиши тўғрисидаги фикрлари тўғри. Чунки, лойиҳанинг 35-моддасида гаровдаги мулкни нотариал тасдиқланган битим ва 36-моддасида ипотека тўғрисидаги шартнома ҳаволаси асосида реализация қилиш тартиби белгиланган. Шунингдек, «Ипотека тўғрисида»ги қонун амалга киритилиши муносабати билан Ҳуқуқаролик кодексининг 280- ва 281-моддаларига ҳам ўзгариш киритилиб, унда гаровга қўйилган мулкни суддан ташқари ундирувнинг тартиби белгиланган.

Гаровга қўйилган мулкни суддан ташқари сотиш тартибини белгиловчи моддалар айнан шу 35- ва 36-моддалар ҳисобланади. Шунингдек, лойиҳанинг 24-моддасида гаровга қўйилган мол-мулкни реализация қилиш, 25-моддасида савдо тўғрисидаги эълон ва уни оммавий ахборот воситаларида чиқариш, 26-моддасида савдонинг ташкил қилиш ва ўтказиш, 27-моддасида қимосиди савдосида қатнашиш учун кафолат бадал, 28-моддасида савдонинг амалга ошмаган деб эълон қилиш тўғрисида сўз боради.

Лойиҳанинг 3-бобида гаровга қўйилган мулкка ундирувни қаратиш савдонинг ташкил қилиш ва гаровга қўйилган мулкни сотиш билан қўшиб юборилганлиги масаласи тўғри кўтарилган. Ҳақиқатан ҳам 3-бобда белгиланган мулкка ундирувни қаратиш, савдонинг ташкил қилиш ва гаровга қўйилган мулкни сотиш тўғрисидаги нормалар алоҳида бобларга ажратилса тўғри бўлар эди.

Қонунда тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланиши тўғри. Чунки капитал бозоридида ишлаб турган воситачилар халқ ҳўжалигининг энг муҳим тармоқларига, хусусан шаҳар ва уй-жой қурилишига унча катта бўлмаган ставка эвазига узоқ муддатли маблағларни барқарор тақлиф қилиш имконига эга бўлишлари учун уларга ҳуқуқий муҳит яратилиши лозим. Шунингдек, капитал бозоридида оқилонга тақдор молиялаш тизимининг ишлаб туриши учун ҳуқуқий шарт-шароит яратиш ва бу банкларга нисбатан ишончининг йўқотилиши ҳақида кенг қатламларининг жамғармалари йўқотилиши билан боғлиқ бўлишини англашимиз, ипотека қозғоми эгаларининг ва ипотека кредитларини олувчиларнинг манфаатлари ҳам ҳимоя қилиниши керак.

Ана шу мақсадда:

- ипотека кредити берувчи банкларни лицензиялашнинг алоҳида шартлари;
- ипотека кредити берувчи банклар устидан давлат назоратининг алоҳида тартиби;
- операцияларнинг рухсат этилган турлари доираси чекланган ипотека банкларининг ихтисослашуви принципи;
- қоплаш таркибига қирадиган объектларнинг ҳам миқдорини, ҳам сифатини ҳисобга олган ҳолда ипотека қоплаш принципи;
- гаров варақалари бўйича мажбуриятларнинг йўл қўйиладиган ҳажми;
- тақдослаш принципи;
- максимал эҳтиёткорлик ва узоқ муддатли барқарорлик принципи бўйича ҳисобланган мустақил қўрсаткич сифатида гаров

қиймати;

- объект гаров қийматининг 60 фоизи даражасида кредитнинг энг юқори суммаси (лимит);
- қарз олувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш;
- қоплаш таркибига қирадиган объектларнинг қоплаш реестрига мажбурий киритилиши;
- ишончли шахсининг вазифалари;
- ипотека банки банкротга учраган тақдирда гаров варақалари эгаларининг талаблари биринчи навбатда қондирилиши ҳуқуқининг қонунда мустаҳкамлаб қўйилиши;
- баланс ва бошқа ҳисоботларни эълон қилишининг алоҳида қоидалари ишлаб чиқилиши лозим.

«Ипотека тўғрисида»ги қонунга солиқ имтиёзлари тўғрисида алоҳида модда киритилиши шарт. Чунки ипотека кредитлашда кўзда тутилган солиқ имтиёзларидан фойдаланиш орқали биз қонуннинг самарали ишлашига имкон яратамиз. Ипотека кредитлашда имтиёзлар қарз олувчига маблагни уй-жой қуришга ва сотиб олишга сарфласа берилиши лозим. Яъни, ипотека кредитлари нақд пул ҳисобиди берилмаслиги керак.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши натижасида фуқаролар кўчмас мулкларини гаровга қўйиб ипотека кредити олиши ва шу орқали уй-жой билан таъминланиши учун кенг имконият яратилади.

Ердан фойдаланиш ҳуқуқини гаровга қўйишга нисбатан хусусий мулк бўлган ерни гаровга қўйиш ва кредитлаш жозибалироқ-

дир. Банклар нуқтаи назарига кўра, ернинг хусусий бўлиши унинг тезда пулга айланишига имконият яратди, кредитлашнинг харажатларини камайтиради, берилётган кредитларнинг фоизларини камайтиради, кредитни қайтармаслик ҳавфининг ҳам олди олинишига эришилади. Ерга нисбатан хусусий мулкчилик шаклининг белгиланиши, жумладан, уй-жой қурилиши учун ажратилган ер участкалари ипотека кредитлашнинг жадаллаштиради.

Ипотеканинг ишлашига яна бир имконият, бу — Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатни 2005 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқуларни ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишилар тўғрисидаги мажлис қарорининг 12-моддасида мулкка доир битишуларда давлат божи ставкалари бўйича харажатларни камайитиришнинг белгиланганлигидир.

Ҳозирги кунда олди-сотди шартномаларини нотариал тасдиқланганлиги учун 10 фоиз миқдоридида бож олиниши ипотека жараёнини секинлаштирувчи омил ҳисобланади. Кўчмас мулкларга оид олди-сотди шартномаси тузаётган тарафлар бож ставкаси юқори бўлганлиги сабабли мулкнинг ҳақиқий баҳосини шартномада кўрсатмасликка харажат қилади. Чунки бу каби ҳолатларда кредит расмийлаштириш жуда ҳам қийматга тушади ва кредит ҳисобига уй-жойларни сотиб олиш учун банкларнинг миқозлари тобора камайиб боради.

Ф. КОМИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Прокурор протести билан

Фуқаро З.Мансурова фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлари судига muroжаат қилиб, Б.Аббосовга сотган «ВАЗ-21099» маркали машинасини қайтариб беришни сўраган. Бунга сотилган машина пулининг ўз вақтида берилмаганини сабаб қилиб кўрсатган.

З.Мансурова даъво аризасида машинани Б.Аббосовга 2005 йилнинг 28 апрелида сотиб, давлат божини кам тўлаш мақсадига 50.000 сўмга сотилди дея расмийлаштирилганини, аслида эса машина 2.800.000 сўмга сотилган бўлиб, Б.Аббосов шундан 1.800.000 сўмини бериб, қолганини ҳалигача тўламай келётганини баён қилган.

Низо судда кўрилганида даъвогарнинг талаби қаноатлантирилиб, олди-сотди шартномаси ҳақиқий эмас деб топилган. Апелляция босқичида мазкур қарор ўзгаришсиз қолдирилган.

ган ҳамда тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича тўғри ҳулосага келинган тақдирдагина у асосли ҳисобланади. Суднинг ҳулосаси ҳал қилув қароридида ФПКнинг 56-моддасида кўзда тутилган исботлаш воситаларига кўра асослантирилиши кўрсатилган.

Суд ушбу битимни ҳақиқий эмас деб топилганда ФКнинг 123-моддасини қўллагани билан бундан ташқари, суд ушбу шартнома «Нотариат тўғрисида» қонуннинг 23-моддаси талабига асосан нотариус томонидан тасдиқланганлиги ҳамда тарафлар ўртасида тузил-

Бундан ташқари, суд ушбу шартнома «Нотариат тўғрисида» қонуннинг 23-моддаси талабига асосан нотариус томонидан тасдиқланганлиги ҳамда тарафлар ўртасида тузил-

Кредит гаров бўлолмайди

Аmmo иш материаллари билан танишиб чиқилганда, низо тўла ўрганилмаганлиги маълум бўлди. Чунки ишни кўришда ФПКнинг 15-, 57-моддалари талаби бузилган, яъни иш унутқилимча аҳамиятга эга бўлган далиллар талаб қилиб олинди, ҳақиқий ҳолатни аниқлаш чоралари кўрилмасдан, асосан даъвогарнинг оғзаки кўрсатмаларига таянган ҳолда тўхтама келинган. Хусусан, суд ишни кўришда Б.Аббосов билан даъвогар ўртасидаги ҳақиқий келишувга мувофиқ машина 2800 АҚШ долларига баҳолашиб, Б.Аббосов шундан 1000 долларини бермаганлиги ва у кредитга олган «Нексия» машинасининг ҳужжатларини даъвогарга гаров сифатида бергани ҳамда мазкур машинани рўйхатдан чиқармаслиги ҳақида ИИБ ЙХХБга қилган muroжаатига асосланган. Бундан ташқари, кредитга олинган «Нексия»нинг гаровга қўйилганлиги ҳақидаги ёки нотариал тасдиқланган гаров шартномаси каби ёзма далилларнинг бор-йўқлиги текширилмаган.

ФПКнинг 205-моддаси талабига кўра, ҳал қилув қарорини чиқаришда суд иш учун аҳамиятли бўлган қандай ҳолатларга асосан талабни қаноатлантириш ёки рад қилиш лозимлигини аниқлаб, қонуний тўхтама келиши лозим эди.

Олий суд пленумининг «Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида»-ги қарорининг 3-бандига кўра, суд иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун қонунда кўрсатилган барча чораларни кўришга мажбур бўлиб, суднинг ҳал қилув қароридида ишонч ҳолатлари ҳақида баён этилган ҳулосаси тарафларнинг ҳақиқий муносабатларига тўғри келиши лозим. Ҳал қилув қароридида иш учун аҳамиятли бўлган ҳамма ҳолатлар баён этилган, тегишли далиллар келтирил-

ган олди-сотди шартномасининг 2-бандига З.Мансурова сотилган машина учун жавобгардан пулни тўлиқ олганлиги, жавобгар ушбу шартномага асосан машинага нисбатан эғаллик ҳуқуқини олганлиги, қарздорлик ҳолати шартномада акс эттирилмаганлиги ёки бошқа ёзма далиллар билан исботланмаганлиги, шунингдек, Б.Аббосов ўзининг «Нексия»-сини кредитга олганлиги ҳусусидаги ҳужжатларни З.Мансуровага бермаганлиги ва банк билан машинани гаровга қўйиш ҳақидаги шартномага мувофиқ ушбу машина гаров предмети бўлолмаслиги, гувоҳ Б.Бобобековнинг Б.Аббосов З.Мансуровадан 10.000 сўм қарз эканлиги ҳақидаги кўрсатмаси далил бўла олмаслигига қонуний баҳо бермаган.

Шу билан бирга, Б.Аббосов олди-сотди шартномасини расмийлаштиришдан сўнг ИИБ ЙХХБдан низоли машинани ўз номига расмийлаштирилганлиги ёки йўқлигини аниқламаган.

Қолаверса, суд низоли ҳал этишда ФКнинг 109-моддаси 1-қисмида баён этилган «Битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслиги унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди, бироқ низо чиққан тақдирда тарафларни битимнинг тузилганини, мазмунини ёки бажарилишини гувоҳларнинг кўрсатувлари билан тасдиқлаш ҳуқуқидан маҳрум қилади» деган талабига амал қилмаган.

Ана шу ҳолатлардан келиб чиқиб Олий судга киритилган протест қаноатлантирилди. Албатта, адолат қарор топди. Лекин бунгача бўлган овозгарчиликдан кимга наф?

М.ТўРАЕВ,
Ўзбекистон Бош прокуратураси бўлим прокурори

Даъво асосли бўлса...

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар жадаллашгани сари тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги муносабатларда қонун устуворлиги кенг қулоч ёёғганини кўриш мумкин. Бу эса энг аввало уларнинг қабул қилинаётган қонунлар ҳусусида яхши маълумотга эгалигидан дарак беради. Бироқ, баъзан бунинг акси ҳам учраб туради. Чунки, ҳўжалик судларида кўрилган айрим ишларда ҳуқуқини таниганлиги билан амалдаги қонунларни етарли даражада билмаслик оқибатида ортиқча овозгарчиликлар келиб чиқмоқда. Жумладан, «Ҳамдам» хусусий фирмаси ҳўжалик судига ариза бериб, «Ҳамкорбанк»нинг Чиноз филиалидан 2.788.993 сўм моддий зарар, 1.152.400 сўм бой берилган фойда, 1.394.496 сўм пеня ҳамда 3.000.000 сўм маънавий зарарни ундириб беришни сўраган. Иш дастлаб суд мажлисида кўрилган даъвонинг маънавий зарарни ундиришга оид қисми бўйича иш юритиш тўғатирилган, қолган қисмида даъво рад этилган. Апелляция инстанциясида эса ҳал қилув қарори ўзгартрилиб, жавобгардан суд ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасига 1.394.496 сўм жарима ундирилган. Бироқ, иш кассация инстанциясида кўрилганда қабул қилинган қарорлар бекор қилиниб, янгидан кўриш учун юборилган ва даъво қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан 1.394.496 сўм жарима ундирилган.

Аслида «Ҳамдам» фирмасининг бундай даъво кўзғатишига «Шарқ» кооперативидан 2.788.993 сўм пулни ундириш тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори ижро қилинмасдан «Шарқ»қа хизмат кўрсатувчи «Ҳамкорбанк»нинг Чиноз филиали ҳисоб-рақамидида пул бўлишига қарамай инкасса топшириги асосида ундириб бермаганлиги сабаб бўлган.

Хусусан, даъвогарнинг таъкидлашча, «Шарқ» кооперативининг банкдаги ҳисоб-рақамига 7.300.000 сўм келиб тушган бўлса-да, банк ижрони таъминламаган. Агар пул ўз вақтида ундирилганда «Ҳамдам» фирмаси бир йилда 1.152.400 сўм фойда олиши мумкин бўлган. Шу боис у судга юқоридаги даъво аризасини берган.

Биринчи инстанция суди унинг даъвосини қисман қаноатлантириб, жавобгарга нисбатан суд ҳужжати ижро этилмаганлиги учун ХПКнинг 218-моддасига кўра банк томонидан ундирилмаган сумманинг 50 фоизи, яъни 1.134.499 сўм миқдоридидаги жаримани ундириш ҳақида қарор қабул қилган.

Аmmo, суд жаримани ундиришда процессуал ҳуқуқ нормасини нотўғри қўллаган. Чунки даъвода жавобгарга нисбатан ХПКнинг 218-моддасига асосан жарима солиш сўралмаган. Қолаверса, даъво талабидан четга чиқилганлиги Олий ҳўжалик суди кассация инстанциясининг 2005 йил 19 январдаги қароридида кўрсатилганига, бу қарор илгари жаримани қўллаган Ташкент вилоят ҳўжалик суди апелляция инстанциясининг қарори билан бекор қилинганлиги судлар томонидан эътибор берилмаган.

Ваҳоланки, ХПКнинг 190-моддаси 1-қисмига кўра, ишни кассация инстанциясида кўрган ҳўжалик суднинг қароридида баён қилинган кўрсатмалар шу ишни янгидан кўриш суд учун мажбурийдир.

Бундан ташқари, судлар томонидан ХПКнинг 218-моддасига кўра, жавобгарга жарима солишда даъвогарнинг ижро усулини ўзгартриш ҳақидаги аризасига биноан вилоят ҳўжалик судининг 2002 йил 15 ноябрдаги ажрими ва ижро варақасига асосан ундирув «Шарқ» кооперативининг мол-мулкига қаратилганлиги, кооперативнинг ҳисобига пуллар 2002 йилнинг 19 ва 30 ноябрда келиб тушганлиги, «Ҳамдам» фирмасининг банкка ижро этиш учун берган инкасса топшириқномасида асос сифатида кўрсатилган 2002 йил 17 июлдаги буйруғи мавжуд эмаслиги инobatга олинмаган.

Бундай ҳолатда даъво рад этилиб, суд қарарлари даъвогарга юклатилиши лозим эди. Шу боис, мазкур иш бўйича қабул қилинган қарорларни бекор қилиб, Олий ҳўжалик суди кассация инстанциясининг 1.394.496 сўм миқдоридидаги жаримани ундириш қисмини қаноатлантириш сўралди. Иш Олий ҳўжалик суди Раёсатида кўрилиб, протест тўлиқ қаноатлантирилди.

Э.ҲОСИЛОВ,
Республика Бош прокуратураси бўлим катта прокурори

ХОДИМЛАР ҲУҚУҚИ ТИКЛАНДИ

Фаргона ип-газлама ишлаб чиқариш акциядорлик жамиятининг Марғилон шаҳридаги 2-Йигирув тўқув фабрикасида иш тўхтаб қолди. Бунинг сабаби хом ашё тўтаганда. Акциядорлик жамиятининг бошқаруви фабрикага хом ашё зулуксиз етказиб берилишини таъминлаш лозим эди. Бироқ зиммасидаги ушбу вазифани урдаламагани учун ишлаб чиқаришда зулулиш рўй берди. Фабрика ишламай турган ҳар бир кун учун катта зарар кўрмоқда эди. Хусусан, ишчи хизматчиларга ойлик маош ҳисобланмаётганиди. Жамият бошқаруви зарарнинг олдини олиш борасида қонунга эид усулни қўллади. Бошқарув раиси А.Тошҳужаевнинг кўрсатмаси асосида тўхтаб турган фабрика ишчиларидан ҳақ тўланмайдиган меҳнат таътилига чиқилган ишчиларни ҳақида аризаларни ёздириб олишга киришди. 2005 йилнинг 21

май куни жамият бошқаруви раисининг 79-сонли буйруғи эълон қилинди. Ушбу буйруққа кўра 228 нафар ишчи-хизматчилар ўз аризаларига мувофиқ 1 май кунидан бошлаб иш ҳақи сақланмайдиган меҳнат таътилига чиқариб юборилди.

Серфарзанд ўзбек оиласининг ишсиз, маошсиз қолиши хонадонга нечоғлиқ қийинчиликларни келтириб чиқаришини тасаввур қилиш қийин эмас. Айниқса, бошқа тиркичлик нафбат бўлмаган ёки ҳунармандчилик қилиб кун кечириб қўйилган келмайдиган нечоғ оила бошлиянининг дил изтиробларини тасвирлаш мушкул. Хусусан, 2-Йигирув фабрикасининг ҳақ тўланмайдиган, ишга қайтиш мuddати кўрсатилмаган мажбурий таътилга чиқариб юборилган ишчиларидан бири Аҳмаджон Қорабоев қарий етти ой ишсиз қолиб, салкам 300 минг сўм иш ҳақи ололмади.

Оилалари бирдан бир даромад манбаидан айрилган Аҳмаджон каби ишчи-хизматчилар дун келган бир мартаба билан иш билан шуғулланиб ёки рўзгор буюмларини сотиб муҳтожликка кун кечиршига мажбур бўлишди. Прокуратура аралашмагунга қадар корхона раҳбарлари, акциядорлик жамияти бошқарувининг аъзоларини қонунга эид равишда таътилга чиқариб юборилган ходимларининг тақдири, нима билан машғуллиги заррача қизиқтирмади.

Шаҳар прокуратураси акциядорлик жамиятининг Марғилондаги ил йигирув-тўқув фабрикасида Республика Вазириллар Маҳкамасининг иш ҳақи тўловлари бўйича иш берувчиликнинг маъсулиятини оширишга оид қарорлари ижросини ўрганишда юқоридаги қонунбузарлик аниқланди. Амалдаги қонунларга мувофиқ ишчи хизматчиларга боғлиқ бўлмаган сабабларга

кўра корхонада иш тўхтаб қолган ҳолатларда ҳақ тўланмайдиган мажбурий меҳнат таътилига чиқариш таъкидланади. Прокуратура киритган протест қаноатлантирилиб, «Фаргона ип-газлама» ишлаб чиқариш АЖ бошқаруви раиси А.Тошҳужаевнинг 79-сонли буйруғи бекор қилинди. 228 нафар ишчи-хизматчиларга хоши-иродасига эид равишда ишламай юрган давр учун салкам йигирма икки миллион сўм миқдоридида маошлар ҳисобланди. Прокуратура фуқаролик ишлари бўйича судга киритган даъво аризалари қаноатлантирилиб, мажбурий таътил давридаги иш ҳақлари ундириб берилди.

Ўтган йили Вазириллар Маҳкамасининг ушбу қарорлари ижросини мунтазам равишда ўрганиб, таҳлил қилиб бордик. Ишчи-хизматчиларга ўз вақтида тўланмай келинган 173,7 млн. сўм миқдоридидаги

иш ҳақларини ундириш юзасидан судга 80 та даъво аризалари киритилди. Қонунбузилишига йўл қўйган 31 нафар мансабдор шахслар маъмурий жавобгарликка тортилди.

Мулк шаки турлича корхона раҳбарлари ишлаб чиқариш жараёнида юзага келётган муаммоларни қўл остида ишловчи ходимлар ҳисобига ҳал этишга уринаётган ҳолатлар учраётти. Афсуски, аксарият ҳолатларда корхонада иш вақтинча тўхтаб қолганини баҳона қилиб ишдан бўшатилган ёки юқоридаги каби мажбурий таътилга чиқариб юборилган фуқаролар қонунлардан бехабарликлари ёки мурасасизликлари туфайли ўз ҳақ-ҳўқуқларини талаб қилмайдилар. Фуқароларнинг ҳўқуқли фаолликлари қонунбузилишларнинг олдини олишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Маҳмуджон ҚАЙМОВ,
Марғилон шаҳар прокурори

Узумзорни бузиб

Бугунги кунда ширкатларни фермер хўжаликларига айлантириш ишлари жадал оlib борилаётганда. Айтинг-чи, аввал узумзор бўлган ер экин майдонига айлантиришнинг мумкинми?

Д.ОРИФЖОНОВ,
Фаргона вилояти

Мумкин. Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2006 йил 18 январдаги буйруғи билан тасдиқланган низомига мувофиқ, агар мева-сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослашмаган ширкат ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарининг мол-мулк ва ер участкаларини комплекс хатловдан ўтказиш жараёнида тегишли лойиҳада жойлашган боғ ва узумзорлар келгусида фойдаланишга яроқсиз бўлса, махсус комиссия туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими билан биргаликда мазкур ер участкасини экин майдони сифатида танловга қўйиш тўғрисида туман ҳокимига таклиф киритиши мумкин.

Фермерга кредит

Яқинда дўстларимиз билан бўлган сурунда фермер хўжалиги ўз ерини гаровга қўйган ҳолда банкдан кредит олиши мумкинлигини эшитдим. Шу гап қанчалик тўғри? Унинг талаблари қандайлиги тўғрисида маълумот берсангиз.

Т.РАҲИМОВ,
Касби тумани

Марказий банк бошқаруви билан 2004 йил 1 мартдаги қарори билан тасдиқланган низомига мувофиқ, тижорат банкларидан шартнома асосида, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйган ҳолда кредит олиш мумкин.

Кредит бериш муддати кредитланаётган тадбирнинг қопланиш муддатига боғлиқ бўлади. Хусусан:

— қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг ташкил этишига доир айланма маблағларни тўлдириб қолдиришга кредит олатда 2

йилдан кам бўлмаган муддатга берилди;

— фермер хўжаликларига инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун кредит муддатни кечиктириш ҳуқуқисиз 5 йилгача бўлган муддатга берилиши мумкин.

Кредитдан фойдаланиш учун фоиз ставкаси қарз олувчи билан банкнинг ўзаро келишуви бўйича кредит шартномасида белгиланади.

Кредит олиш учун қарз олувчи банкка куйидаги ҳужжатларни тақдим этиши

лозим:

— кредит буюртмаси;

— қарз олувчининг банк ҳисоб-варағига пул тушумининг прогнози кўрсатилган бизнес-режа;

— туман (шаҳар) солиқ инспекцияси томонидан тасдиқланган охириги ҳисобот даври учун бухгалтерия балансининг нусхаси ҳамда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома, шунингдек, 90 кундан ортиқ бўлган қарзга доир солиштириш далолатномалари, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот;

— фермер хўжалиги ер участкасини узоқ муддатли ижарага олганлиги тўғрисидаги шартноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

— ер участкасининг чизмаси.

Муддати тугамасдан туриб

Ишончнома бир йилгача амал қилиши белгиланган бўлса-да, уни берувчи ташкилот муддатидан аввал бекор қилишга ҳақлими?

Ш.КОРАЕВ, Тошкент тумани

Албатта ҳақли. Чунки Ҳуқуқаролик кодексининг 141-моддаси талабига кўра, ишончнома берган шахс уни истаган пайтда бекор қилиши мумкин.

Ишончнома амал қилишининг бекор бўлиши билан уни бошқа шахсга ўтказиш ҳуқуқи ҳам ўз кучини йўқотди.

«Меҳнат интизомини ҳалол меҳнати учун рағбатлантириш ва муқофотлаш усуллари билан нормал тарзда ишлашга зарур ташкилий ва иқтисодий шартларни яратиш бериш, ноинсоф ходимларга нисбатан жазо чораларини қўлланиш орқали таъминланади».

Меҳнат Кодексининг 179-моддасидан.

Ягона солиқ тўловчи бўлиш учун

Мамакат Президентининг 2005 йил 20 июндаги «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришнинг рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони мувофиқ 1 июдан микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, республика йўл жамғармаси ва мактаб таъминоти ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлаш ўрнига ягона солиқ тўлови жорий этилган эди.

Биз жуда тор доирадаги умумий оўқатланиш шахобчаси ташкил этиб, юридик шахс сифатида фаолият юритамиз. Лекин нима учундир туман солиқ инспекцияси бизнинг ягона солиқ тўловчилар тоифасига киритилмаслигимизни айтишди. Шу тўғрими?

З.ЭРАТОВ,
Самарқанд шаҳри

Агар сиз фаолият юритаётган корхона ялли даромад солиғини тўловчилар ҳисобланган савдо ва умумий оўқатланиш корхоналари тоифасига кирса, ягона солиқ тўловининг татбиқ этилмаслиги тўғри.

Мазкур фармон талабига кўра ягона солиқ тўлови:

1) қонун ҳужжатларида белгиланган мезонларга кўра микрофирма ва кичик корхоналарга тааллуқли бўлмаган юридик шахсларга;

2) харид, таъминот-сотиш корхоналари, брокерлик фирмалари, комиссия шартномаси асосида хизмат кўрсатадиган корхона ва ташкилотларга;

3) солиқ солишининг махсус тартиби ўрнатилган микрофирма ва кичик корхоналарга:

а) ялли даромад солиғини тўловчи ҳисобланган савдо ва умумий оўқатланиш корхоналари;

б) ялли тушумдан ягона солиқ тўловчи ҳисобланган лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этувчи юридик шахслар;

в) ягона ер солиғи тўловчи ҳисобланган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари;

г) қатъий белгиланган солиқ тўловчи ҳисобланган автотранспортни қисқа муддат сақлаш жойлари, болалар ўйин автоматлари, ўйин автоматлари, жумладан пул (буюм) ютуқли автоматлар билан таваккалчилик асосидаги ўйин автоматлари залларини ташкил қилиш бўйича фаолият, билярдхоналар;

д) берилган лицензияга мувофиқ гастрол-концерт фаолияти билан шуғулланувчи, давлат божи тўловчи ҳисобланган юридик шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Савдо ғавғолари

Мен ийгирма йил ҳайдовчилик қилдим. Бироқ, пенсияга чиққунга қадар яқин ўртоқларим билан бироз тадбиркорлик қилмоқчи эдик. Уртада ийгилган маблағ эвазига улгуржи савдо билан шуғулланмоқчимиз. Аммо қонуларни яқин билмаганимиз учун ишнинг нимадан бўлаётганини билмай турибмиз. Ҳозирги кунда улгуржи савдонинг йўлга қўйиш учун нима қилиш кераклиги тўғрисида маълумот берсангиз.

Л.ЖАББОРОВ,
Зангиота тумани

Авалло улгуржи савдонинг йўлга қўйиш учун юридик шахс ташкил этиш лозим. Чунки, улгуржи савдо билан шуғулланиш учун лицензия фақат юридик шахсларга берилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган «Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»

да»ги низомига кўра, лицензиялаш юридик шахс рўйхатдан ўтказилган жойдаги шаҳар (туман) ҳокимлиги томонидан амалга оширилади.

Бироқ, бунинг учун энг кам ойлик иш ҳақининг камида 3500 баравари миқдорда, улардан энг кам ойлик иш ҳақининг камида 1200 баравари миқдорда пул

маблағи билан шакллантирилган устав фонднинг мавжуд бўлиши, мажбурий тартибда сертификатланиш керак бўлган товарлар сотилган тақдирда мувофиқлик сертификатлари ёки махсуслот ишлаб чиқарувчи корхоналарда сертификатланганлиги тўғрисидаги маълумотлар ёхуд уларнинг нусхалари бўлиши керак.

Юридик шахснинг имкониятлари

Мен шахсий микроавтотранспорт билан йўловчи ташийман. Лекин касалик туфайли бир ойдан бери ишга чиққан йўқ. Йўналишда бирга ишлайдиган ҳамкасбларимнинг айтишича, энди бундай фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи фақат давлат автомобилларида берилади экан. Шу тўғрими? Бу қонда қачондан кучга кирди?

З.АББОСОВ,
Тошкент шаҳри

Автомобил транспортда шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ҳамда халқаро йўналишда йўловчи таший тартибига Ўзбекистон Президентининг 2006 йил 9 мартдаги қарорига мувофиқ ўзгартириш киритилди. Бироқ, унда йўловчи таший билан шуғулланиш фақат давлат автомобилларида берилиши эмас, балки бу ишнинг юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириш белгиланди. Бунга кўра, айна пайтда шу иш билан яқин тартибдаги тадбиркорлик асосида шуғулланиб келаётган шахслар ушбу фаолиятни давом эттириш истагини билдирган тақдирда 2006 йилнинг 1 июнига қадар юридик шахс сифатида қайта рўйхатдан ўттишлари керак.

Агар бундай фаолиятни лицензия билан мазкур қарор қабул қилинганга қадар яқин тартибдаги тадбиркорлик асосида амалга ошириб келаётган бўлсалар, уларнинг лицензиялари жорий йилнинг 1 июнига қадар амал қилади.

Жазо чораси қандай?

Мен бошчилик қилаётган хусусий фирма ўтган йилнинг декабр ойида бухгалтерия ҳисоб-китобида адашганлиги боис бироз камроқ солиқ тўлаган экан. Шунинг учун яқинда солиқ инспекцияси томонидан маълумий иш қўзғатилиб, судга оширилибди. Лекин ҳалигача судга чақиртирилганимиз йўқ. Бундай ҳуқуқбузарлик учун қандай жазо қўлланиши мумкин?

Ж.ЗОКИРОВ, Тошкент шаҳри

Тадбиркорлик субъекти сифатида солиқ, йиғим ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаганлик туфайли етказилган зарарнинг ўрнини бир ой мобайнида ихтиёрий равишда қопласангиз ҳамда унинг оқибатларини бартараф этиб, жумладан пеняни ўз вақтида тўласангиз сизга нисбатан молиявий санкция қўлланилмайди.

Давлат божи кўп эмасми?

Мен беш йилдан буюн тадбиркорлик қилиб келаман. Лекин ишимни ривожлантириш учун яна бир-иккита фаолият турини ҳам қўшиб корхона низомига ўзгартириш киритиш мақсадида тадбиркорларни рўйхатдан ўтказувчи инспекцияга борсам, қайта рўйхатдан ўтиш учун бир юз элик минг сўм боғ тўлаш кераклигини айтишди. Бу жуда кўп эмасми?

Қўйма корхона ташкил этилганда қанча боғ тўланади? Деҳқон хўжалигида-чи?

Р.ОЛЛАЁРОВ, Андижон вилояти

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги қарори билан тасдиқланган низомига кўра, илгари давлат рўйхатдан ўтказилган тадбиркорлик субъектидан рўйхатдан ўтказиш йиғими ундирилмади.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатдан ўтказилаётганда эса энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари, шунингдек 500 АҚШ доллари миқдорда рўйхатдан ўтказиш йиғими ундирилди.

Деҳқон хўжаликлари рўйхатдан ўтказилганда йиғим умуман ундирилмайди.

Нафақадаги ишчининг маоши қанча?

Мен 1978 йили Бухоро маданият техникумининг кутубхонашунослик бўлимини тугатиб, шундан буюн мактабда кутубхоначи бўлиб ишлайман. Ўзбекистон Президентининг 1999 йил 17 мартдаги «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида кутубхона ходимлари 48 ёшдан пенсияга чиқишга ва ишлаб туриб ойлик маошини юз фоиз миқдорда олишга ҳақли деган гаплар бор эди. Шу ростми?

С.РАЖАБОВА, Пешку тумани

Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон Президентининг мазкур фармонида кутубхоначи аёлларга имтиёз берилиши назарда тутилган, бироқ бу имтиёз улар пенсияга чиққанларидан кейин татбиқ этилиши белгиланган. Хусусан, ушбу фармонга кўра аёллар 58га доир пенсияга чиққандан кейин ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, провизор, ногирон болаларнинг интернатда, меҳрибонлик уйларида тарбиячи, шунингдек кутубхоначи сифатида ишлаши да-

вом этираётган ва пенсияга чиқиш олдида мазкур мутахассисликлар бўйича камида ўн йил стажга эга бўлган ҳоллардагина уларнинг пенсияни тўлиқ олиш ҳуқуқи сақлаб қолиниши қайд этилган. Бироқ, фармонда бундай тоифа кирувчи аёллар 48 ёшдан пенсияга чиқиши мумкинлиги белгиланмаган. Шу боис сиз «Ҳуқуқларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 121, 37-моддаларига мувофиқ 54 ёшдан пенсияга чиқишингиз мумкин.

Саволларга ҳуқуқшунос Д.ХАЛИЛОВ жавоб берди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурдаги Солик ва валютага оид жиноятларга

қарши курашиш департаменти фаолиятдан

Шунга қарамай солиқ тўлашдан бўйин товлаш, ноқонуний даромад олиш ҳолатларини аниқлаш юзасидан олиб борилган тадбирларда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмасдан савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ноқонуний фаолият юритаётган 20.610 та субъект ва шахслар аниқланди.

128 дона арок ёрлиги, 2371 та қопқоқ борлиги аниқланди. Юртимизга қонтарабанда йўли билан товар олиб келиш ҳолатлари афсусли ҳали ҳам давом этаётти. Вазирилар Маҳкамасининг 154-қарори ижросини таъминлаш борасида ўтказилган тадбирларда 12.403 та қонунбузилиш ҳолати аниқланиб, 14,1 млрд. сўмлик маҳсулот олиб қўйилди. Жумладан, фарғоналик Г.Эсонова,

республикамизга ноқонуний равишда олиб келганлиги аниқланиб, жиноят иши кўзга тилиди.

Қалбаки валюталарнинг муомалага киритилиши иқтисодиёт ривожига путур етказди, инфляцияни кучайтиради. Юртимизда ҳам шундай жиноятлар содир этилмоқда. Масалан, Тошкент шаҳри, Қашқадарё ва Навоий вилоятларида шу йилдаги жиноятлар фош этилиб, қалбаки 300 доллар ва 365 дона 1000 сўмлик купюрадаги ўзбек сўми ҳуқуқбузарлардан далилий ашё сифатида олиб қўйилган.

Банқдан ташқари пул муомаласи-

Қонун ижроси билан кучли

Республика Бош прокуратураси ҳузурдаги Солик ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан республикада солиқ сийбятини амалга ошириш, яширин иқтисодиётнинг шаклланиш йўллари, коррупция ҳолатларини аниқлашга йўналтирилган муайян ишлар қилинаёти. Алоҳида эътибор аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга, солиқ тўловчилар орасида қонунга итоат этиш муҳитини шакллантиришга қаратилиб, 18000 дан ортқ маъруза ва суҳбатлар уюштирилди, ОАВ оркали кўпал чиқишлар қилинди.

Жумладан, қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарилган ва акциз марказис савдога қўйилган 2,1 млрд. сўмлик спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлар далилий ашё тариқасида олиб қўйилди. 2562 та яширин цех фош этилди. Қонунбузилишлар юзасидан 2977 та жиноят иши кўзга тилиб, 5935 та ҳолатда айбдорлар маъмурий жавобгарликка тортилди.

Когон шахридаги «Хамробек» хусусий фирмаси раҳбари М.Раҳмонов шундай ишбилармонлардан бири. Унинг яширин цехи кўздан кечирилганда, у ерда қўлбола усулда тайёрланган 8.583.700 сўмлик спиртли ичимликлар, 1005 та акциз марказис,

М.Муҳаммадқонова ва А.Қудратовлар Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган 423,1 млн. сўмлик дори-дармон ва сунъий тишларни қалбаки ҳужжатлар асосида юртимизга олиб киришган. Мазкур товарлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Ақсарият ҳолларда шу турдаги қонунбузилишларни оддий фуқаролар содир этади. Лекин бирон мансабдорнинг бундай ишга қўл уришини қандай баҳолаш мумкин? Тошкент шаҳар ИИББ катта терговчиси Т.Исомов ана шундайлар тоифасидан бўлиб қичди. У ўзининг автомашинасида Қозғистонда ишлаб чиқарилган 1,8 млн. сўмлик сigaretларни

ни қисқартириш, нақд пул муомаласини тартибга солиш борасида ҳам кенг қамровли тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Натижада 9550 ҳолатда 383,1 млрд. сўмлик ноқонуний нақд пул ва товар айланмаси аниқланиб, 4152 та жиноят иши кўзга тилинган, 5398 ҳолатда айбдорлар маъмурий жавобгарликка тортилган.

Республика Бош прокуратураси ҳузурдаги СВОЖҚК департаменти бу соҳада тезкор таҳлилий, қидирув ишларини ташкил этиш ва ўтказишга иختисослаштирилган орган бўлиб, мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари орасида ўз ўрнига эга. Ходимларимиз бундан кейин ҳам қонунбузилишларга қарши курашни бир дам ҳам сустайтирмайдилар.

Жума ҚАЮМОВ,
Республика Бош прокуратураси ҳузурдаги СВОЖҚК департаменти бошқарма бошлигининг ўринбосари

НОҚОНУНИЙ ФАОЛИЯТ

Юртимиз бозорларининг таровати ўзгача. Негаки қайси бозорга кирманг, ҳамма вақт тўкин-сочин, одамлар билан гавжум ҳолатга дуч келасиз. Ақсарият ҳолларда айрим ишбилармонлар одамлар қадами узулмайдиган бундай жойлардан унумли фойдаланиб қолишга уринишади. Бири савдо қилиш ҳуқуқига эга бўлмаса-да, бамайхотир савдо қилаверади. Бошқиси эса бозорга келганларга турли хизмат турлари, кўнгилочар ўйинлар кўрсатиб кўнглини олишга ҳаракат қилади.

Ҳамза туманининг Паркент бозори атрофида ўтказилган наватдаги тадбирда ана шундай ишбилармонлардан бири аниқланди. «Покер» ўйинларини ўтказётган фуқаро Ж.Жабборовдан керакли ҳужжатлар сўралганда у тайинли жавоб беролмай, бу ўйин автоматлари Б.Ариповга тегишлилигини айтиди. Ўз наватида Б.Ариповдан тегишли ҳужжатлар талаб қилинганда, ҳеч қандай ҳужжат тақдим этилмади.

Хона кўздан кечирилганда бу ерда хар бири 1 млн. сўм турадиган 9 та Покер автомат ўйинлари мавжуд экан. Б.Арипов бу фаолиятини 2006 йилнинг 1 февралдан буён амалга ошираётганини, кунлик даромади тахминан 20.000 сўм бўлиб, шу кунга қадар 80 минг сўм соф фойда кўрганлини айтиди. Аслида ҳам шундаймикин? Нима бўлганда ҳам автомат ўйинларини ўтказиш учун қонуний тарзда рўйхатдан ўтиш лозим эди. Бу ёғи энди Б.Ариповнинг ўзига ҳавола. Эндиликда 9 млн. сўмлик ўйин ав-

томатлар масала қонуний ҳал бўлгунга қадар вақтинчалик олиб қўйилаётган бўлди.

Б.Арипов ва Ж.Жабборовларга нисбатан Жўнинг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзга тилиди. Худди шундай ҳолат Ҳамза туманининг «Авиасозлар» бозорида чет элда ишлаб чиқарилган кийим-кечак билан савдо қилаётган Бахтиёр Жўраев фаолиятида ҳам аниқланди. Сотувчи харидор О.Муротжўраевга 38.000 сўмлик 1 дона эркеклар жемперини сотганидан сўнг туман СВОЖҚК ходимлари томонидан унинг фаолияти юзасидан текширув эълон қилинди.

Текширувда фуқаро Б.Жўраевнинг ёнида жами 57 турдаги 83 дона 12 млн. 900 минг сўмлик кийим-кечак мавжудлиги, лекин унинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ҳеч қандай ҳужжатлари ва мазкур товарларга тегишли биронта ҳужжатлари йўқлиги аниқланган. Кийим-кечаклар далилий ашё сифатида вақтинча олиб қўйилган.

Хоҳ савдо билан шугулланганидан тадбиркор бўлсин, хоҳ бирон махсулот ишлаб чиқараётган ишбилармон бўлсин қонуний фаолият кўрсатса улар фаолиятдан камчили топдиган текширувчи топилмайди. Ноқонуний йўлдан юрган сохта тадбиркор эса биринчи бўлиб биринчи барибир фаолияти ошкор бўлиб, қилмишлари учун жавоб беради.

Зиёдулла ИНОҒОМОВ,
Ҳамза туман прокуратураси ҳузурдаги СВОЖҚК бўлими бошлиги



Урганч шаҳар СВОЖҚК бўлими ходимлари томонидан далилий ашё сифатида олинган Урганч шаҳрида яшовчи Ш.Атақонова тегишли тилла буюмлар, савдо пуллари ва тилла тақинчоқларни тортишда қўлланиладиган асбоб-ускуналар.

«ИШБИЛАРМОН» КИШИЛАР

Кунлар исиб дехқонлар дала ишларига киришганига анча бўлди. Ҳозир уларга техника жуда керак. Техника шай бўлса-ю, ёнигли бўлмаса, бундан катта муаммо йўқ.

Бўка туман прокуратураси СВОЖҚК бўлими ходимлари билан ёнигли омборларида махсулотнинг қандай ишлатилишини назорат қилиб туришибди. Ушбу жараёнда баъзи қўли эгри омборчилар аниқланаёпти. Жумладан, «Бўстон» ширкати ёқилги омбори мудири Н.Мирхолоқов 2006 йил 10 март куни нефт базасидан 2800 литр дизел ёқилгисини олиб келган. Бироқ омборнинг ўзида ўзининг «Темур Кўчқор» фермер ҳўжалигига ва бошқа бир «Зиёд Муртазо» фермер ҳўжалигига ҳеч қандай ҳужжатсиз 400 литрдан ёқилги бериб юборган. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши кўзга тилиб, тергов олиб борилган.

Юзма-юз мулоқотларда тадбиркорларга қонунга амал қилиб ишласа фаолиятга ҳеч ким аралашмаслигини кўп ўқтираемиз. Бироқ айримлар ўз билганларидан қолишмаяпти. Оқибатда қонуний жазосини олишмоқда.

Шунингдек, СВОЖҚК бўлими ходимлари солиқ инспекцияси ходимлари билан ҳамкорликда ўтказган тадбирда Бўка шаҳри Беруний кўчасида яшовчи тадбиркор Дилором Ҳасарова ўзининг дўконда ҳеч қандай ҳужжатлари мавжуд бўлмаган 48 ишча спиртли ичимлик, 253 кутги сigaretлар билан савдо қилганлиги аниқланди. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзга тилиб, тергов олиб борилмоқда.

Н.ФОЗИЛОВ,
Бўка туман прокуратураси ҳузурдаги СВОЖҚК бўлими бошлиги

Ҳаётда «бугуннинг қахрамонлари» деган иборани бот-бот эшитиб қоламиз. Албатта, ушбу таъриф ибратли ишлари билан кўпчиликка манзур бўлаётган кишиларга нисбатан қўлланади. Айни пайтда тадбиркор юрдошларимизни ҳам ҳеч иккитанлиқ қахрамон дейиш мумкин. Чунки улар туфайли давлатимизнинг иқтисодий салоҳияти тобора юксалиб бораёпти. Аммо бу тоифа вакиллари орасида ҳам қонунларимизни четлаб ўтишга уриниш ҳолатлари учрайди.

Фикримизнинг исботи сифатида айрим мисолларни келтирамиз.

Поп туманининг Хўжаобод қишлоғида яшовчи Фотима Қодирова истиқлолнинг дастлабки йилларида ноқонун тадбиркорлик билан шугулланишини далилга тугиб юрганди. 1997 йилга келиб ораузи рўёбга чиқди. Яъни, туман ҳокимининг 6

ЧАПАНИ ТАДБИРКОРЛАР

январдаги қарорига асосан «Меридиан» хусусий фирмаси ташкил этилиб, унга Ф.Қодирова раҳбар этиб тайинланди. 2003 йилнинг 6 мартда фирмага улгуржи савдо билан шугулланиш ҳуқуқи ҳам берилди.

Ф.Қодирова аввалига бу имкониятдан самарали фойдаланди. Бироқ кейинчалик қонун талаби билан эмит, нафс амрига мувофиқ иш юрлатадиган бўлиб қолди. Бу йўлга бош ҳисобчиси Фаҳриддин Мамажоновни ҳам тортиди.

Гап шундаки, 2004 йил ҳамда 2005 йилнинг дастлабки чорағида фирмада 221.000.000 сўмлик товар айланмаси юзага келганди. Туман солиқ инспекциясига ҳисобот топширишга келганда ана шу

сумма 168.000.000 сўмга «айланма» қолди. Натижада биргина 2004 йил ҳисоботларида 8.093.090 сўмлик ялпи даромад 7.260.000 сўм қилиб, унга нисбатан 20 фоизлик солиқ ставкасида 1.618.618 сўмлик ялпи даромад солиғи 1.452.000 сўм миқдорда кўрсатилди. Бундан ташқари пенсия жағмарасига тўланадиган 0,7 фоизли 1.547.000 сўм, 1 фоизли 2.210.000 сўм ажратма ҳисоботларга 1.176.000 сўм ва 1.680.000 сўм дея қайд этилди. Фирма аслида икки хил, яъни улгуржи савдо ва қурилиш билан шугулланса-да, улар учун алоҳида бухгалтерия ҳисоби юритилмаган. Қолаверса, фирма «Ўзбекистон ўрамли томёпкчи» ашёлари-АЖДан кўрсатилган хизмат ҳисобига

97.095.537 сўмлик махсулотни бартер усулида олган. Шу тариқа «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» қонун ҳамда «Бюджет билан ҳисоб-ки-тобларни амалга оширишда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг жавобгарлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»-ги фармон талаблари бузилиб, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан нақ 2.070.978 сўм яширилган.

«Нигина — КО» хусусий фирмаси раҳбари Рустам Жарқинов пул топшининг бироз бошқачароқ усулини танлади. «Нигина — КО» хусусий фирмаси 2004 йил бошидан 2005 йилнинг 1 июлига қадар «Қува дон махсулотлари» АЖДдан 18.251.177 сўмлик озиқ-овқат махсулотлари сотиб олади. Унинг

6.021.279 сўмлиги турли қорхона ва ташкилотларга иссиқ овқат учун сотилади. Қолган 12.259.898 сўмлигини эса фирма раҳбари одамларга нақд пулга сотиб юборади. Бу билан Вазирилар Маҳкамасининг «Пул маблағларининг банқдан ташқари муомаласини андаки қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги, «Аҳоли билан нақд пуллик ҳисоб-китобда назорат касса машиналарини мажбурий қўллаш тўғрисида»-ги қарорлари талабларини кўпол равишда бузади.

Юқоридики иккала ҳолат бўйича ҳам айбдорлар қилмишига яраша жазосини олишди.

Наҳотки Ф.Қодирова, Р.Жарқинов сингари тадбиркорлар қонунини четлаб ўтиб, узоққа бориб бўлмаслигини билишмасан?

Соҳотали СУРОПОВ,
Поп туман прокуратураси ҳузурдаги СВОЖҚК бўлими бошлиги

ЮРТ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

— Кейинги пайтларда мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Лекин шунча қарамай бу борада қонунбузарликларга чек қўйилмапти.

— Фиркингизга қўшилиман. Ҳалол, қонуний ишлаётган тадбиркорлар фаровон яшаш билан бирга бошқаларга ҳам моддий ёрдам кўрсатмоқда. Мактаб, кўприк қуриб элнинг дуосини олишяпти. Булар тадбиркорларга ҳукуматимиз яратиб бераётган имконият меваси эканлигини унутмаслигимиз керак. Кўпчиликка маълумки, «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга

корларга ёрдам бериш, қонунбузарларни эса тартибга чақириш. Таҳлилларга тўхталадиган бўлсам, ўтган йили бошқарма ва унинг бўлинмалари томонидан 356 та қонунбузулиш ҳолати аниқланиб, шундан 342 тасида жиноят иши, 122 тасида маъмурий иш кўзга тилган.

Аниқланган қонунбузулиш ҳолатлари бўйича давлат бюджетига 3.886.400.000 сўмлик қўшимча солиқ ва жарима ҳисобланди. Шундан 1.220.300.000 сўми ундириди.

Бундан ташқари, 2005 йилда хо-

тираман. Тезкор маълумотлар бўйича ўтказилган тадбирда фуқаро Ф.Беккулов йида яширин цех ташкил этиб, чигитдан ёғ ишлаб чиқараётганлиги аниқланди. Мазкур ҳолат юзасидан олиб борилган терговолди текширувида Жомбой пахта тозалаш заводининг омбор мудири Н.Камолов 72.420 сўмлик чигитни ўзлаштириб, Ф.Беккуловга сотганини маълум бўлди. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши кўзга тилди.

Яна бир оғриқли муаммо спиртли ичимликларнинг ноқонуний сотилиши ва четдан олиб келинишидир. Далилларга тўхталадиган бўлсак, вилоят ҳудудига ноқонуний равишда акциз маркаси бўлмаган спиртли ичимлик ва тамақларни олиб кириш бўйича 101 та қонунбузулиш ҳолати аниқланиб, шундан 101 тасида жиноят иши кўзга тилди.



Самарқанд вилоят прокуратураси ҳузуридаги СВОЖКК бошқармаси бошлиғи Исоқ Жамолов билан сўхбат

Тадбиркорга ҳамкормиз

асосан 2005 йилнинг 1 июлидан тадбиркорга нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд томонидан қўлланадиган бўлди. Бу фармон тадбиркорни турли таъйиқлардан халос қилди.

Афсуски, қинғир йўллар билан пул топишни ният қилган «тадбиркор»лар ҳам учраб турибди. Улар билан учрашганимда пул наҳотки ватан туйғусидан устун бўлса деган фикр ҳаёлимдан ўтади. Жумладан, тадбиркор Шохид Абдурайимова Самарқанд шаҳри Шароф Рашидов кўчасидаги 72-ўйда жойлашган дўконида харидор Х.Малевага 16.000.000 сўмлик кийим-кечакни сотаётганлиги аниқланиб, текширишда моллар божхонани четлаб олиб ўтилгани, сифатини тасдиқловчи ҳужжатлари йўқлиги маълум бўлди.

— Бошқармада амалга оширилган ишлар ҳақида «Ниқид» муштарийларига нималарни айтиши мумкин?

— Фаолиятимиз ҳақида республика ва вилоят ОАВда чиқиш қилиб келаямиз. Бозор ва ҳокимликларда тадбиркорлар билан бўлган юзма-юз мулоқотларда олдимизда турган муаммолар ҳақида очик гапирмоқдамиз. Мақсадимиз қонунга амал қилиб ишлаётган тадбир-

рижий валюталар билан боғлиқ 40 та қонунбузарлик аниқланиб, шундан 34.736 АҚШ доллари, 5.700.000 сўм, 4000 рус рубли, 2600 қозоқ тенгеси, 150 қирғиз сўми далилий ашё сифатида олинди.

Кишини уйга толдирадиган нарсаси шуки, мамлакатимизда валюта айирбошлаш шаҳобчалари ташкил қилинганига қарамай айрим фуқаролар қора бозорда пул савдоси билан машғул бўлмоқда. Кўлга тушган, тавба-тазарру қилишади. Бироқ сўнгги пушаймон фойдасизлигини кеч англаб етишади.

— Бошқарма ҳисоботида 54 та яширин цех аниқланиб, улардан 15.500.000 сўмлик товар далилий ашё сифатида олингани айтилди. Айтиш-чи, ана шу қонунбузулишларнинг сабаби таҳлил қилинганими?

— Кейинги пайтда чигитдан ёғ ишлаб чиқариш анча оммалашди. Бугунинг сифатсизлиги эса кўп ҳолларда истеъмолчиларни унчалик қизиқтирмайди ҳам. Улар учун махсулотнинг сифати эмас, кўпроқ арзонлиги муҳимроқ. Пахта заводларидан ўғирланган чигитлар биз фикр юритган яширин цехларда махсулотга айланмоқда. Сўзимнинг исботи учун бир мисол кел-

79 та ҳолатда 89.300.000 сўмлик спиртли ичимликлар, 22 та ҳолатда 11.100.000 сўмлик сигаретлар далилий ашё сифатида олинди.

Ноқонуний йўллар билан олиб келинаётган товарларнинг соғлиққа зарар келтирмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди.

— Кейинги пайтларда айрим мансабдорлар мўмай пул топиш мақсадида ўзлашган ўшаган нопок кимсалар билан жиноий тил бириктириб, давлат ва жамoa мулкни талон-тарож қилишмоқда. Уларнинг фаолиятига чек қўйиш борасида қандай ишлар қилинапти?

— Юрагида ватан туйғуси бўлмаган кимса пул учун ҳеч қандай жиноятдан қайтмайди. Бундайларнинг нияти халққа хизмат қилиш эмас, балки халқ мулкни ўзлаштиришдан иборат бўлади. Жумладан, Ургут туманидаги «Дехқонобод» ширкати раиси М.Дониёров ва «Жомбойдон» ОТАЖ мансабдорлари Р.Тўраев ва Ж.Ўринбоевлар жиноий тил бириктириб, 5.778.000 сўмлик 60 тонна омухта емни А.Субоҳонов ва А.Саидовларга соттириб, пулни бўлиб олишган.

Сўхбатдош: З.МАМАДАЛИЕВ



Ургут туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖКК бўлими ходимлари томонидан олиб қўйилган ноқонуний товарлардан намуналар



Долларфурушлар

Бугун республикамизнинг кўпгина бозорлари ҳудудига фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида банкларнинг валюта алмаштириш шаҳобчалари фаолият кўрсатаёпти. Ёнингизда АҚШ доллари бўлса, ўзимизнинг сўмга, сўмини АҚШ долларига эркин алмаштиришингиз мумкин. Бироқ баъзи кимсалар яратилган имкониятлардан фойдаланиш ўрнига «криминал» йўлни танлашмоқда. Оқибатда...



Яқинда Самарқанд шаҳрининг «Янги кийим-кечак бозори»да Самарқанд шаҳар прокуратураси ҳузуридаги СВОЖКК бўлими ходимлари ўтказётган талбирда фуқаро Фозил Мансуров фуқаро Малоҳат Хушбаковага 1000 АҚШ долларини 1 млн. 260 минг сўмга сотаётганида ушланди. Фозил Мансуровдан мавжуд маблағ далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Ҳозирда ушбу ҳолат юзасидан суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Кейинги пайтларда АҚШ долларини банклардан ноқонуний йўллар билан олиш ҳолатлари тез-тез содир бўлаётгани ҳақида ОАВда хабарлар берилмоқда. Кўп ҳолларда эса бундай ноқонуний ишларга банк ходимлари «ҳомийлик» қилмоқда.

Яқинда Марказий банкнинг Самарқанд вилоят бош бошқармаси бош иқтисодчиси Ҳасан Шарипов ва Самарқанд шаҳар «Парвина банк»нинг 11-шаҳобчаси хазиначиси Шохида Одилова устидан жиноят иши кўзга-

тилди. Бу «ишбилармонлар» сохта ҳужжатлар асосида фуқаро Гулшан Бердиеваннинг номига валюта ҳисоб рақами очиб, ҳужжатларни қалбакилаштириш эвазига ундан 50.000 сўм олганида ушланди.

Суриштирув ҳаракатлари олиб борилапти. «Азаматлар» энди қилмишлари учун жавоб беришга мажбур.

Қ.БЕКМИРЗАЕВ,
Самарқанд шаҳар прокуратураси ҳузуридаги СВОЖКК бўлими суриштирувчиси



Инсон феъли қизик. Баъзан бида туриб қинғир ишга қўл уради. Сўнг айбни бошқалардан қидиришга тушади. Жуда бўлмай қолганда «шайтон йўлдан урдида» дея ўзини оқлайди. Нурободлик Барака Ёркулов ҳам қилғилиқни қилиб қўйиб, айбни бўйинга олгиси йўқ.

Ваъдаси қуюқ эди...

Унга «Жом» ширкат ҳўжалигидаги бир отар қўйни ишониб топширишганда ҳўжалик раҳбарларига ваъдани қуюқ қилди: «Бир отардан икки отар қўй қиламан. Ишончни оқлайман».

Лекин кўп ўтмай отардаги қўйларнинг баракаси уча бошлади. Негаки бош қўпон отардаги қўйлари бозорга олиб бориб «гумдон» қиладиган касалга йўлиққанди. Анча вақтгача мушугини пишт дейдиган киши топилмагач, унга бу жимлик ёқиб тушди.

Яқинда унинг отари ҳисоб-китоб қилинганда 7.081.000 сўмлик чорва талон-тарож қилинганлиги аниқланди ва жиноят иши кўзга тилди. Б.Ёркулов энди қандай қилиб қўйларни йўқотгани ҳақида айтиб беришига тўғри келади.

Т.АЗИЗОВ,
Самарқанд вилоят прокуратураси ҳузуридаги СВОЖКК бошқармасининг ШТБ инспектори

Манзилга ета олмади

Бугун юртимизда ишлаيمان деган тадбиркор учун имкониёт бор. Биргина «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга кўра ўтган йилнинг 1 июлидан бошлаб микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови жорий қилинди. Шу билан бирга ноўрин текширишларга чек қўйилди.

Маълумки, Жомбой тумани ҳудудини Катта ўзбек тракти кесиб ўтган. Бу йўлдан ҳар куни юртимизнинг турли томонларига минглаб автоуловлар юради. Лекин бу йўлдан юк олиб ўтадиган барча тадбиркорларни қонунга бўйсуниб ишлайди дея олмаймиз.

Туман ҳуқуқ-тартибот органлари тез-тез мана шу трактда қўшма рейд ва текширувлар ўтказиб, шундай «тадбиркор»ларни аниқлашмоқда. Жумладан, «Тошкент — Хоразм» йўналиши бўйича Шомурод Собиров бошқариб бораётган «Кам-А3» маржали машина тўхтаб текширилганда, унинг юкхонасида 37.554.000 сўмлик «Экстрас» «восточная» ароғи борлиги аниқланди. Қўшқўприлик Г.Сапаева уларни қалбаки ҳужжатлар асосида олиб кетаётган экан. Энг асосийси, бу махсулотлар ҳеч бир ташкилотда ҳисобга олинмаган. Ҳисобга олинмагани, демак солиқ ҳам тўланмайди. Лекин бундай бўлмади. Унинг ноқонуний фаолиятига чек қўйилди.

Солиқлар — иқтисодиётимиз таянчи. Буни ҳар бир тадбиркор унутмаслиги лозим.

М.ОДИЛОВ,
Жомбой туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖКК бўлими бошлиғи

Сўхбатдош ҳақида:**Шавкат АҲМЕДОВ 1950**

йили Бухоро вилоятининг Гижду-
вон туманида туғилган. Тиббиёт
фанлари доктори, профессор.
Тошкент педиатрия тиббиёт
институтининг кафедра мудири. 133
та илмий мақола, 4 та дарслик, 3 та ихтиро ва 12 та
услубий қўлланма муаллифи.

**Шавкат АҲМЕДОВ:**

Курашлардан Шоборат

— Шавкат ака, яқинда халқаро интеграл антропология академияси сизга академик унвонини берибди. Юксак унвон билан «Huquq» муштарийлари номидан табриклимиз.

— Катта раҳмат.

— Ушбу академия ҳақида гапириб берсангиз.

— Узингизга маълумки, одам организмнинг турган-битгани синоат. Инсон ақлини таниблики, ана шу сирдан воқиф бўлиш билан машғул. Халқаро академия ҳақида тўхталадиган бўлсам, унга академик В.Мороз раҳбарлик қила-

маслиги ҳеч кимга сир эмас. Тиббиётнинг бош мақсади инсонларнинг саломатлигини муҳофаза қилиши, одамларнинг умрини узайтириш. Афсуски, бугунги кунда юрак касалликлари, СПИД, саратон каби касалликлардан миллионлаб кишилар ҳаётдан бевақт кўз юмайтипти.

Африка мамлакатларида ҳар тўртта одамнинг бири СПИД билан оғриган. Ҳатто чақалоқлар бу бедаво дардга она қорнида дучор бўлмоқда. Бу фактларнинг ўзи даҳшат. Ана сизга муаммо.

Тиббиётда саратон касаллигига даво топган врач учун Нобел мукофоти бериши ҳақидаги қарор ОАВда алаҳқачон эълон қилинган.

Тан олиб айтиш керакки, ҳали олимларимиз жуда кўп иш қилишлари керак.

— Ҳаётда улкан муваффақиятга эришган кишилар ютуғимда устозимнинг муносиб элани бор дея эътироф этади. Сиз ҳам устозларингизни эслаётгандирсиз?

— Албатта. Ешинг улғайган сари устозларга қанча таъзим қилсак озлигини англагансан киши. Бухоронинг узоқ қашқоғидан пойтахтга келиб академиклик даражасига етдим.

Номзодлик ишимга раҳбарлик қилган Ҳаким Зоҳид (жойлари жаннатда бўлсиндан бир умр миннатдорман).

Докторлик ишимда бошқош бўлган россиялик профессор А.Сорокин, академик М.Р.Сапин, Ю.И.Бородин каби устозларим илм соҳасида мени катта йўлга олиб чиқишди. Бугун ўзим ҳам устозман. Қўлимдан келгунча талабаларга тиббиётнинг сирларини ўргатайман. Кувейм Рашиддон — шифокор. Ўлим Тўлқин ҳам бўлгуси врач. Ҳозир талаба. Уйлайманки, улар ҳам ишончимни оқлайди. Бунинг учун ҳаётда катта ниятлар билан далил қадам ташлаш керак. Шундагина мақсадга эришилади.

— Кейинги пайтларда тиббий маданият деган жумла тез-тез ишлатилайти. Унинг мазмуни ҳақида тушунириш берсангиз.

— Тиббий маданият деган жумла катта маънони англатади. Олдид қилиб айтадиган бўлсак, тиббиётдан бохабар бўлган одам касал бўлмайди. Чунки касалликлардан ўзини муҳофаза қилиб яшайди. Касалга чалинмасдан олдин тиббий кўриқдан ўтади. Бундай инсонларни тиббий мадания-

ти юқоря фуқаролар сирасига киритиш мумкин. Тиббий маданият халқнинг менталитетига ҳам боғлиқ. Бу борада европаликлардан ўрганиш керак. Бизнинг одамлар иморатни битказай, тўйни ўтказиб олай деб баъзан соғлиғидан айрилиб қолади. Дард хуруж қилсагина «тез ёрдам»ни чақиради. Инсон касалликка чалинмаслигининг барча йўллари ахтариши, биринчи навбатда спорт билан шуғулланишни қанда қилмаслиги

қандай бўлиши керак?

— Ҳамма даврларда тиббиёт ходимлари ана шундай саёт берилган. Менимча, шифокорнинг қалби пок бўлиши керак. Қалби тоза бўлмаган шифокор эл назаридан қолади. Шифокор ана жасоратли ҳам бўлиши зарур.

Ибн Синони кўп ўқиганман. У кишининг жасоратига тан берганман. Уша даврда аллома қабристонга бориб гўрдан мурдаларни олиб, қандай касалликдан ўлга-

керек.

Жуда кўп касалликларнинг илдизи асаб бузилиши билан боғлиқлигини унутмаслик керак. Европаликлар касал бўлишдан жуда кўрқиб яшайди. Касалхонага тушиб қолса йиллаб йилхона маблагидан маҳрум бўлади. Худога шукр, бизда тиббий хизмат текин.

Соғлом инсон давлатнинг бебаҳо бойлиги. Соғлиги жойида бўлган одам жамият тараққиёти учун хизмат қилади. Ўзингиз жойида бўлган, оилада бир киши касал бўлган одам жамият тараққиёти учун хизмат қилади. Ўзингиз жойида бўлган, оилада бир киши касал бўлган одам жамият тараққиёти учун хизмат қилади. Ўзингиз жойида бўлган, оилада бир киши касал бўлган одам жамият тараққиёти учун хизмат қилади.

— Европа мамлакатларининг баъзиларида беморларни мусиқа билан даволаш йўлга қўйилгани ҳақида эшитиб қоламиз. Муолажанинг бу тури ҳақида фикрингиз қандай?

— Бундай муолажа шарқда азалдан қўлланганини европалик шифокорлар яхши билишади. Ибн Сино бобомиз биринчи бўлиб бу муолажани қўллаган. У нафақат машҳур табиб, айна пайтла катта мусиқачи, шоир, файласуф бўлганини яхши биламиз. Ибн Синонинг ўзи гижжак ясаб, беморларга чалиб берган. Беморнинг қалбига яқин мусиқани чалиб бериш унинг соғайишига муҳим рол ўйнайди. Европалаги айрим мамлакатларнинг касалхоналарида Бетховен ва Моцартининг мусиқаларини эшиттириб муолажа қилиш ҳозир ҳам қўлланади.

Беморни врач бир оғиз ширин сўзи билан оёққа турғизиши мумкин ёки аксинча. Тўғриси, бугунги кунда шифокорлик касбага доғ туширадиган таъмагирлар ҳам йўқ эмас. Улар албатта жазосини олади.

Мамлакатимизда 2006 йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилиниши айна мурда бўлди. Балаватл юртдошларимиз қишлоқларда врачлик пунктлари, касалхоналар кураятти. Тарихта назар соладиган бўлсак, буюк бобомиз Алишер Навоий ҳам Ҳиротда «Ихлосия», «Шофония» деб аталган шифохоналарнинг қурилушига ҳомийлик қилган. Саховатпешалик бизнинг қонқонимизга сингир кетган гўзал амаллардандир.

— Сизнингча, тиббиёт ходими

нини операция қилиб аниқланган. Бу ишлар ўша даврда катта жасорат бўлган.

— Шавкат ака, ҳаёт кун сайини ривожланиб бормоқда. Ақл бовар қилмайдиган техникалар инсон учун хизмат қилаётти. Бугунги ҳаётни улурсиз тасаввур қилиш қийин.

— Фикрингизга юз фоиз қўшиладман. 20-асрда инсон фан-техника соҳасида кўп кашфиётлар қилди. Япон олимлари саратон касаллигининг биринчи этапини аниқлайдиган тиббий асбоб-ускуналарни яратган. Ҳатто бу жарраёни беморнинг ўзи сезмайди. Бундай ҳолатда уни юз фоиз дардан фориғ қилиб юборса бўлади. Чунки саратон ҳали томир отиб улгурмаган бўлади.

Ҳар бир асрнинг ўз муаммолари бўлиши табиб. Биргина компютер ҳақида мулоҳаза юритадиган бўлсак, у инсонга хизмат қилаётти. Лекин унинг ёнида ҳалдан ташқари кўп ўтириш организмга зарар. Умуман, ҳар бир техникадан фойдаланаётганда метёрга амал қилиш керак. Шунда инсон соғлом бўлади.

— Академик Шавкат Аҳмедовнинг маҳалла аҳли ва кўни-кўшини билан муносабати ҳақида нималар дея оласиз?

— Маҳаллада оддий ишчи билан академикнинг фарқи йўқ. Маҳалла аҳлини ҳурмат қилсангиз, улар ҳам сизнинг ҳурматингизни жойига қўяди. Кўчамизда асосан завод ишчилари яшашади. Аҳлимиз. Эрталаб уларга биринчи бўлиб салом беришга ҳаракат қиламан. Маҳалланинг яхши-ёмон кунда икки ўлим билан бел боғлаб хизмат қиламиз.

— Бўлгуси шифокорларга ҳам айтар гапингиз бордир?

— Шифокорлик шарафли касб. Номига доғ туширмаслик учун врач виждонига хиёнат қилмаслиги, бир кун ҳам ўқиб-ўрганишдан тўхтамаслиги керак. Акс ҳолда дунё тиббиётдаги антиликлардан беҳабар қолиши мумкин.

Оғир беморга ҳам албатта соғайиб кетишини айтиши, ўзининг иродали ва мард эканлигига ишонтиря олиши керак.

«Huquq» мухбири
Зайниддин МАМАДАЛИЕВ
сўхбатлашди

Ҳомийлик Саховатдир

Юртимизда Наврўз шукри кезиб юрган паллада эзгу амаллар, савобли ишлар ҳақида гапириш ўринли. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»нинг бошидан аҳоли саломатлиги йўлида эътиборга молик ишлар қилинапти. Шунинг ҳам айтиш керакки, бу тадбирлар ўтган «Сихат-саломатлик йили»да амалга оширилган ишларнинг ўзини давомий бўлибгина қолмай, янгича мазмун-моҳият ҳам касб этмоқда.


Маълумки, қадимдан саховатпеша, инсонларвар кишилар элда ҳурмат қозониб келганлар. Узоқ ва яқин тарихимиздан бунга қўллаб-мисоллар келтириш мумкин. Юртимизда 2006 йилнинг Президентимиз ташаббуси билан «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилиниши саховатли ҳамюртларимиз учун ўзига хос рағбат ва ишончдир.

Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг соғлиқни сақлаш тизимида туб ўзгаришлар юз берди. Хукуматимиз томонидан тизимини жаҳон андозалари даражасига олиб чиқиш борасида салмоқли ишлар қилинди. Жорий йилдан бошлаб эса саховатли юртдошларимиз — ҳомийлар кўмагини шу соҳага ҳам йўналтиришдек эзгу фаолият мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоч ёзди.

Корхона ва ташкилотлар, тадбиркорлар, фермерлар йил давомида ҳомийлик ёрдами билан халқ саломатлиги йўлида хисса қўшишда давом этадилар. Пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманини ҳам бу йўналишдаги эзгу ишлар четлаб ўтаётгани йўқ. Туманда жами 25 та соғлиқни сақлаш муассасаси аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда. Мазкур муассасаларнинг ҳомийлар кўмаги билан ҳам қўллаб-қувватлаб турилгани аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, хусусан, соғлом ва баркамол авлодни камол топтириш йўлидаги имкониятларни кенгайтиради. Шу кунга қадар туманимиздаги корхона-ташкилотлар, хусусий тадбиркорлар томонидан 70.000.000 сўмликка яқин ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилган. Албатта бу тахсинга лойиқ.

Мол-давлати ҳисобсиз-у, лекин фойда келмаган жойга бир тийин бермай, аксинча, на инсониятга, на ўзига фойдасиз нарсалар учун миллионлар сарфлайдиган бойдан қўли очик, ҳомийликни касб қилган ўртаҳол яхши. Яхшилик, эзгу иш эса исзис қолмайди. Халқимиз беҳиж айтмайди: «Яхшилик қилиб сувга от, балиқ билар, балиқ билмас Халик билар»...

Хуршид ЖАЛОЛОВ,
Мирзо Улугбек туман
прокурорининг ўринбосари



Шавкат Аҳмедов фарзандлари Умид ва Тўлқин билан.

ди. Академиянинг қароргоҳи Винница шаҳрида жойлашган. Академияга сайланиш учун иккита академикнинг тавсияси ва тиббиёт соҳасида қилинган ишлар тақдим қилинади. Бу академия одам танасидати аъзо, тўқима ҳужайраларнинг фаолиятини ўрганишга ихтисослашган.

— Бугун тиббиёт соҳасида тадқиқот олиб бораётган кўпгина ўзбек олимларининг меҳнати халқаро таъкилотларда ижобий баҳоланган. Бу ҳам мустақиллик нъматидир. Тўғрими?


— Тўғри. Мен бир муаммага эътиборни қаратмоқчиман. Дунё бўйича тиббиёт соҳасида улкан ишлар қилинапти. Лекин муаммолар ҳам етарли. Чунки янги-янги касалликлар пайдо бўлмоқда. Уларга қарши биргаликда курашиш керак.

Масалан, бугун дунёни парранда гриппи ларзага солаётти. Бундай касалликлар чегара бил-

Хар йили дунёдаги иккита давлат ўлим жазосини бекор қилади

Ўзбекистон Президентининг мамлакатимизда ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги фармони мустақиллик йиллари изчил олиб борилган ҳуқуқий ислохотларнинг мантиқий давоми деб тушуниш лозим.

1995 йил 1 апрелгача мамлакатимизда амалда бўлган Жиноят кодексига 33 турдаги жиноят учун ўлим жазоси назорда тутилган эди. Жиноий жазоларни либераллаштиришга қаратилган ислохот натижасида 1999 йилдан 8 турдаги, 2001 йилдан 4 турдаги ва нихоят 2003 йилдан 2 турдаги жиноятлар учун ўлим жазоси қўзда тутилди. Ҳозир бу жазо фақат айбни оғирлаштириладиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш ва терроризм учун тайинланиши мумкин.



ИЗЧИЛ

Қадамлар билан

Фармонга кўра 2008 йилнинг 1 январидан мамлакатимизда ўлим жазоси бекор қилинади, унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси жорий этилади. Мазкур жазо Олий суд, жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон ҳарбий суди томонидан тайинланиши мумкин. Умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар жазони ихтисослаштирилган муассасаларда ўташади.

Ўлим жазоси масаласи дунё ҳуқуқшунослари ўртасида минг йиллардан буён мунозарара сабаб бўлмоқда. Тарихий манбаларда ёзилишича, қадимги грек филозофи Диодот қонун чиқарувчи кенгашда нутқ сўзлаб, ўлдириш унга шафқатсиз жазо эканлигини, уни қўллаш жиноятчиликнинг камайишига олиб келмаслигини аниқ мисоллар билан исботлаб берган.

Европа уйғониш даврининг машҳур ҳуқуқшуноси Ч.Беккариа «Жиноятлар ва жазолар ҳақида»ги асарига шундай ёзади: «Ўлим жазоси фойдасиз, чунки у инсонларнинг қаҳри қаттиқ бўлишига олиб келади».

Ч.Беккариа ва Ш.Монтескье-

нинг шунга ўхшаш ҳуқуқий қарашлари кейинчалик Францияда «Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари тўғрисида»ги декларациянинг (1789) ва дунёдаги биринчи Жиноят кодексининг (1791) қабул қилинишига асос бўлди.

Ҳозирги замон рус олимларидан В.Квашининг таъкидлашича, умумий превенция нуқтаи назаридан ўлим жазоси институтининг криминологик аҳамияти йўқ.

Бу фикрнинг нечоғли асосли эканлиги қуйидаги мисоллардан ҳам маълум. Германияда Карл V даврида 100.000 та, Англияда Хенрих VIII даврида 70.000 та, Нидерландияда Филипп II даврида 18.000 та кишига ўлим жазоси белгиланган. Россияда Иван Грозний даврида қабул қилинган «Суд ҳужжати»да 60 турдаги жиноят учун ўлим жазоси қўзда тутилган. Аммо бундай қаттиқ ўллик жиноятчиликнинг камайишига эмас, аксинча, ошишига хизмат қилган.

Барча замонларда ўлим жазосини бекор қилишнинг тарафдорлари бўлгандек, мухолифлари ҳам бўлган. Биринчи тараф қуйидаги асосларни келтиради: жиноятчиликнинг ўсиши билан ўлим жазосининг бекор қилиниши ўртасида боғлиқлик йўқ; ўлим жазосининг бекор қилиниши айбсиз

одамлар қатл этилишининг олдин олиш имконини беради; умрбод қамоқ жазоси жиноятчини ўлим жазосидан кўра оғирроқ азоб-қўбатларга дучор этади.

Иккинчи тараф эса қуйидаги далилларга асосланади: ўлим жазосини бекор қилишга ҳали эрта, унинг бекор қилиниши жиноятчиликнинг ортисига олиб келади; жазо жиноятга мос бўлиши керак; жиноят қурбонининг ҳуқуқлари жиноятчининг ҳуқуқларидан устунроқдир.

Охириги ўн йил мобайнида ҳар йили ўрта ҳисобда учта мамлакат ўлим жазосини бекор қилаётир. Бирок ҳали 83 та давлатда бу жазо қўлланмоқда. Хитой, Эрон, Япония, АҚШ шулар жумласидандир. Қотиллик билан боғлиқ жиноят ишларининг тахлили шунни кўрсатдики, ўлим жазоси қўлланилган мамлакатларда одам ўлдириш ҳодисаси мазкур жазо қўлланилган давлатлардагидан бир неча баравар кам. Жиноятчиликка қарши кураш сиёсатининг воситаси сифатида ўлим жазосини қўлланилиши ёки қўлланилмаслиги жиноятчилик даражасига жиддий таъсир кўрсатмайди.

С.ШЕРНАЗАРОВ,

Жиззах вилоят прокурорининг ўринбосари

Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши

Ўзбекистон қатор халқаро ҳужжатларни ратификация қилиш билан ўз зиммасига инсоннинг ҳуқуқ ва эриқликларини ҳимоялашга доир бир қатор мажбуриятларини олдики, уларнинг энг асосийларидан бири яшаш ҳуқуқидир. Яшаш ҳуқуқининг устуворлиги принципини амалга ошириш жамоатчилик онгидаги қатор аънавий стереотип ва қондаларни енгиб ўтиш билан боғлиқ. Оғир жиноят содир этган шахсларга нисбатан ўлим жазосини қўллаш ёхуд жазо тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш масаласи ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги фармони мувофиқ 2008 йилдан мамлакатимизда ўлим жазосини қўллаш бекор қилинади. Шу муносабат билан «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази «Фуқароларнинг ўлим жазосига муносабати» мавзусида сўров ўтказди. Сўров натижалари айнан шу мавзуда 1999 — 2004-йиллар давомида ўтказилган сўровлар натижаси билан таққосланган ҳолда тайёрланди.

Сўровга мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон ва Тошкент шаҳри қамраб олинди. Тадқиқот натижаси шунини кўрсатдики, ўлим жазосини бекор қилиш тарафдори бўлган фуқаролар сони ортми бормоқда (1999 йилда — 16,9 фоиз, 2005 йилда — 29,1 фоиз), ўлим жазоси тарафдорлари сони эса қисқармоқда (1999 йилда — 76,9 фоиз, 2005 йилда — 70,9 фоиз).

Бу кўрсаткичлар қуйидагича ҳулоса чиқаришга асос бўлади. Биринчидан, аҳоли ўртасида тарғибот ишлари олиб борилган ва маҳбуслар учун тегишли шарт-шароит яратилган тақдирда ўлим жазосининг тарафдорлари икки-уч йилдан сўнг озчиликни ташкил этиб қолади.

Иккинчидан, мамлакат аҳолисининг асосий кўпчилиги кескин қонунлар тарафдори бўлиб, кескин қонунлар оғир жиноятлар учун муносив жазо, унинг мавжудлиги жамиятда тартиб ва хотиржамликни мустаҳкамлашга, жиноятчиликни камайитиришга хизмат қилади деб ҳисоблайди. Шу билан бирга, тадқиқотларнинг кўрсатишича, улар Жиноят кодексига қиритилган ўзгаришларини, жумладан, ўлим жазосини қўллаш имконини берадиган моддалар сонининг камайитирилишини тўла қўллаб-қувватлайдилар. Айни вақтда жамоатчилик аҳолининг иктомий кам ҳимояланган қатламлари — аёллар, воғга етмаганлар ва 60 ёшдан ошган эркакларга инсонпарварлик билан муносабатда бўлиб, уларга нисбатан ўлим жазосини қўллаш керак эмас деб ҳисоблайди.

Учинчидан, ўлим жазоси энди жамоатчилик онгида тийиб турувчи омил бўлмай қолди. Агар 2004 йилда сўралган фуқароларнинг 75,3 фоизи ўлим жазоси жиноятчиликнинг ўсишини тўтатишга хизмат қилади деб ҳисобласа, 2005 йилда улар сони 61,5 фоизни ташкил этди, холос.

Тўртинчидан, 2005 йил май ойида Андижон шаҳрида бўлиб ўтган фожеали воқеалар мамлакат фуқароларининг терроризм ва экстремизмга қарши салбий муносабатини янада мустаҳкамлади. «Сизнинг фикрингизча, содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ва берилган қурбонлар учун ким айбдор, ким жавоб бериши керак?» деган саволга сўралганларнинг жуда кўпчилиги (90,4 фоиз) бутун масъулият террорчилар ва экстремистлар зиммасига тушади дея жавоб беришди. Ҳар иккинчи респондент (49,9 фоиз) хатти-ҳаракатлари инсонларнинг қурбон бўлишига сабаб бўлган террорчиларга нисбатан ўлим жазоси қўлланилмаслиги қарши.

Бешинчидан, юрдошларимиз ўлим жазосини бекор қилиш бўйича ҳамон ягона фикрга келгани йўқ. Шу билан бирга респондентлар ақллиқ билан таъкидлайдики, мамлакат фуқаролари инсонларпарвар жамиятда яшашни хоҳлайдилар. Мутлақ кўпчилик аҳоли (98,4 фоиз) мамлакат президентининг терроризм, экстремизм ҳамда радикализмга қарши курашга қаратилган сиёсатини, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни тўлалигича маъқуллайди.

Раъно УБАЙДУЛЛАЕВА,

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори

ЖИНОЙ ЖАЗО ТИЗИМИНИ
ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШНИНГ
КЕЙИНГИ БОСҚИЧИ

Ўлим жазосини бекор қилиш масаласи суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришнинг асосий масалаларидан ҳисобланади. Ўзбекистон Президентининг 2005 йил 10 мартдаги қарори билан тасдиқланган суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада эркинлаштириш соҳасидаги ислохотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш концепциясида ўлим жазосини бекор қилиш бўйича аниқ чоралар назарда тутилган.

Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришган лойиҳада жиноят қонунчилигида ўлим жазосини назарда тутувчи 30 дан ортқ модда мавжуд эди. Мамлакатимизнинг 1994 йилги Жиноят кодексига бундай моддалар сони 13, 1998 йилда 8, 2001 йилда эса 4 тагача камайитрилди. Ҳозирги кунда фақат икки турдаги жиноий жавобгарликни оғирлаштириладиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш (ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми) ва терроризм (ЖКнинг 155-мод-

даси) жиноятларини содир этганлик учун ўлим жазоси қўлланади.

Ўзбекистон Президентининг 2005 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги фармони билан 2008 йил 1 январдан бошлаб мамлакатимизда ўлим жазоси жиноий жазо тури сифатида бекор қилинади ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси жорий этилади. Жазо тизимидаги бундай ўзгаришлар ҳар бир инсоннинг яшашга бўлган конституциявий ҳуқуқи ва умумэтироқ этилган халқаро нормаларини амалга ошириш билан боғлиқ. Мазкур фармоннинг ижро этили-

ши натижасида мамлакатимиз ўлим жазосини бекор қилган 118 та давлат сафига қўшилди.

Ўзбекистон Президентининг мазкур фармонида ҳал қилинадиган масалаларнинг мураккаблигидан келиб чиқиб, ўлим жазоси 2008 йил 1 январдан бошлаб бекор қилиниши қўзда тутилган. Бу мазкур масалалар бўйича тегишли кодекс ва қонун нормаларини ўзгариши; суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш; умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган шахсларни сақлаш учун иншоотлар мажмуини қуриш зарурати билан боғлиқ.

Ўлим жазосининг бекор

қилиниши тарихига назар соландиган бўлсак, бу жараён 19-асрда бошланган. Голландия, Италия, Португалия биринчилардан бўлиб ўлим жазосини бекор қилган. Бу жараённинг оммавий тус олиши асосан 1950-йиллардан бошланган.

Германия, Италия ўлим жазоси қўлланилмаслигини конституцияларида мустаҳкамлаб қўйган.

Буюкбритания парламенти ўлим жазосини бекор қилишни назарда тутувчи қонунни 1965 йилда 5 йил муддатга қабул қилган, 1969 йил 18 декабрда эса ўлим жазоси бутунлай бекор қилинган.

Ҳозирги вақтда ҳақондаги

давлатларнинг ярмидан кўпи ўлим жазосини бекор қилган ёки уни амалиётда қўлламайди. Улардан: 80 та давлат ўлим жазосини ҳамма турдаги жиноятлар учун бекор қилган; 15 та давлат ўлим жазосини истисно ҳолатлардан ташқари барча турдаги жиноятлар учун бекор қилган; 23 та давлат қонунчилигида ўлим жазоси мавжуд бўлса-да, унинг қўлланиши ва ижро этилишига мораторий эълон қилган.

Ҳақондаги 78 та давлатда ўлим жазоси мавжуд. Хитой, Нигерия, Эрон, Покистон, Куба шулар жумласидандир.

Собиқ СССР таркибига кирган давлатлардан Арманистон, Озарбойжон, Эстония, Грузия, Литва, Молдова, Туркменистон, Украина ва Латвия ўлим жазосини бутунлай бекор қилган. Россия, Қозғистон ва Қирғизистонда ўлим жазосини қўллашга мораторий эълон қилинган.

Нусратбек ТҮЙЧИЕВ,

Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи

АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 670 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ДУНЁНИ ЛОЛ
ҚОЛДИРГАН
СИЙМО

1391 йилда Амир Темур қаҳрамон киши кунларида поёнсиз Дашти Қишчоқ орқали Итил — Волга дарёсининг бўйларига 200 минг кишилик лашкар билан беш ой йўл босиб бориб Тўхтамишхоннинг сон-саноксиз қўшинларини Олтин Ўрда худудида тор-мор қилгани бутун дунёни қойил қолдирган эди. Лекин у жангда Тўхтамишхон жонини ҳовучлаб қочиб қутулган, Волганинг ўнг қирғоғидаги Сарой Берке пойтахт сифатида ҳали бутун турар эди. Тўхтамишхон 1392-95 йиллар мобайнида қолган-қутган барча кучларини тўплаб, Амир Темур билан ҳал қилувчи жангга тайёрланди. Бу гал соҳибқирон Эрон ва Кавказ орқали Терек дарёси бўйларига энг сара қўшинларини йиғиб борди. Бу ердан Олтин Ўрда худуди ва унинг пойтахти Сарой Берке Самарқандга нисбатан ҳийла яқин эди. Бу ҳол Тўхтамишхонга маълум бир устунлик берар эди.

Шунга қарамай бу гал ҳам Амир Темурнинг саркардали даҳоси голиб чиқди. 1395 йилнинг апрел ойида Терек соҳилида бўлган иккинчи улкан жанг ҳам Олтин Ўрда қўшинлари узилик кесил мағлубиятга учради. Тўхтамишхон ўз хотинлари ва болаларини, эл-юртини, пойтахт шаҳри Сарой Беркени бутун хазина ва бойликлари билан ташлаб қочди. Фақат ўз жонини қўрқоқларча қутқариш учун қалин ўрмонларга бориб яширди. Амир Те-

мур раҳнамолигида иш олиб бора оладиган яна бир чингизий шахзода Урисхоннинг учинчи невараси Кўйчиқроқ Ўғлон бор эди. Соҳибқирон бир неча йил давомида уни кўп синовлардан ўтказиб, ўз сўзида тураолишига ва салоқат сақлай олишига ишонган эди. Соҳибқирон хиёнатчиларнинг тахт талашинларига барҳам бериш учун Кўйчиқроқ Ўғлонни вақтинча янги хон сайлови бўлгунча Жўжи улўғига бош ҳукмдор қилиб тайинлади ва бу ҳақда махсус ёрлик чиқарди.

Кўйчиқроқ Ўғлоннинг хос аскарлари бор эди.

Амир Темур ўз қўшинларидаги тажрибали бек ва амирлардан яна бир неча юз сипоҳини унга ёрдамга ажратди. Ҳаммаларини керакли маблағ билан таъминлаб, Кўйчиқроқ Ўғлоннинг белига олтин камар боғлатиб, Сарой Беркега юборди ва ҳокимиятни эгаллаб, шаҳарда тартиб ўрнатишни топширди. Аммо

Днепр бўйларида ҳукмронлик қилар эдилар.

Амир Темур Усмонбек деган бу ўлкаларни яхши биладиган баҳодирни ўзига йўл кўрсатувчи қилиб олди ва Волга бўйидан тўғри Днепр бўйига қўшин тортиб борди. «Узи (Днепр) суйига етганда, деб ёзади Яздий — Минкерман мавзеида Бек Ёруғ Ўғлоннинг уйи — эли анда эди, аларни чопиб, кўпчилигини бўйсундириб, тобеъ қилди. Таштемир Ўғлон ва Оқтов қочиб, Узи (Днепр) дарёсидан ўтиб, Сарамдай¹ ўмоғига бордилар. Улус буларга душман эди, қувди. Булар таланиб, асир бўлмоқдин ёмонроқ аҳволга тушди ва андин қочиб, Исрайқа² саҳросида турдилар»³. Шу тарзда золим чингизийларни Амир Темур Днепр бўйларидан ҳам қувиб юборди ва Украинанинг мустамлака зулмидан озод бўлишига замин яратди.

Демак, чингизийлар 1387 йилда Амир Темур узоқда юрганидан фойдаланиб, кўп вайроналик ва талончиликлар қилгани, Занжир Саройни ёндириб юборгани учун ҳасос 1395-96 йилда қайтади. Лекин соҳибқирон Сарой Беркени бузиш ва ёндиришдан олдин унга Кўйчиқроқ Ўғлон деган чингизий шахзода ни ҳукмрон қилиб юборди. Орадан ёз, куз ўтди, қиш кирди. Демак, Амир Темур билан яхшиликча ҳамкорлик қилиб, шаҳарни сақлаб қолиш учун етарлича вақт берилди.

Сарой Беркедагилар бу вақтдан фойдаланмадилар. Амир Темур юборган одамларни номнишонсиз йўқ қилдилар. Шундан кейин золимлар салтанатини таг-туғи билан йўқотиш, уларнинг иқтисодий ва ҳарбий таянчи бўлган шаҳарларни вайрон қилиш, Олтин Ўрдани эса қайта тиклаб бўлмайдиган аҳволга солиш сўнги чора бўлиб қол-

Пиримқул ҚОДИРОВ

Амир Темур

Сарой Берке нинга чўп тикилган арийнинг уясига ўшаб қолган эди. Хон бўлиш орузида юрган ўнлаб чингизийлар худди уни бузилган арилардай Амир Темур юборган одамларга қарши ҳужумга ўтадилар. Кўйчиқроқ Ўғлон соҳибқироннинг топширигини бажара олмади. Тарихий манбаларда унинг бирон нарсасига эришгани ҳақида маълумот учрамайди. У худди сувга чўккандай издиси йўқолади. «Зафарнома»ларда унинг номи бошқа қаламга олинмайди. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, золимлар салтанати уни худди эртақлардаги аждаҳолар каби икки ямлаб бир ютган бўлиши мумкин.

Амир Темур Кўйчиқроқ Ўғлонни Олтин Ўрдага ҳукмдор қилиб юбориш билан бу давлатни ўзига хайрихоҳ бир шаклда сақлаб қолмоқчи бўлади. Лекин шундан кейинги воқеалар золимлар салтанати ҳеч қачон Амир Темурга хайрихоҳ бўлмаслигини кўрсатди. Чунки Амир Темур золимларга қарши алолат учун курашни ўзига мақсад қилиб олган эди. Олтин Ўрда деб аталмиш салтанат эса зулм ва адолатсизлик асосига қурилган эди. Шунинг учун бу салтанат ҳеч қачон Амир Темурга хайрихоҳ ёки иттифоқдош бўлолмас эди. Бу икки тизим, икки давлат тартиботи бир-бирини инкор этарди.

Амир Темур Олтин Ўрдага тобе Рязань, Елец деган жойларга қўшин тортиб борди. Москвага яқин борди-ю, лекин кўпчилик тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, бу шаҳарга қиришни лозим топмади. Терек бўйидаги жанг соҳибқирон устига бостириб келган ва уни йўқ қилишга интилган Бек Ёруғ Ўғлон, Таштемир Ўғлон ва Оқтов деганлар Украина ерларида —

Амир Темур ўзининг ёшлиқдан дилига тухкан эътиқолида бинамон қарам элларни чингизийлар салтанатининг талончиликларидан, оғир солиқлардан, мустамлака зулмидан озод қилишда давом этади. Днепр бўйидан Азов денгизи соҳилига келади. Азоқ шаҳри ҳам, ундан кейин черкеслар, балқарлар ашайдиган шаҳару қишлоқлар ҳам мўрул босқоқларидан халос бўлади. Олтин Ўрда ҳукмронлиги тугатилгани шундан маълум бўлади. Шимолий Кавказда ҳукмронлик қилган чингизийлардан бири Утарғу деб аталар экан ва Эльбрус тоғи устига бориб яширинган экан. Уни ўша ердан топиб, банди қилиб, соҳибқирон ҳузурига олиб келдилар.

Догистонга борганларида «Кумук вилоятининг улўғ кичи эли тобе бўлиб, ҳазратнинг мулозиматига келдилар, — деб ёзади Яздий. — Соҳибқирон аларни яхши кўриб, тўнлар кийдуриб, отлар миндирди»⁴. Лекин Ҳожи Тархон (Астрахан) ва Сарой Берке ҳукмдорлари ашаддий душманлик йўлидан қайтмади. Амир Темур Ҳожи Тархонни эгаллаб, бу ерда ҳоким бўлган Муҳаммадийни қатл эттирди. Қиш кун эди. Дарёлар музлаган. Волганинг музи устидан юриб ўтиб, Сарой Беркени ҳам ишғол қилдилар. Аҳолини шаҳардан кўчирдилар ва ҳар икки шаҳарни бузиб, ўт қўйиб ёндирдилар.

«Бу элга бу жазо андоғ бўлдики, — деб изоҳ беради Яздий, — соҳибқирон Шероз ва Форедда юганда бу чингизий эллар Мовароуннахрни ҳимоясиз топиб таладилар, Занжир Саройга ўт қўйдилар, мамлакатни хароб қилиб кетдилар. Бас, анинг учун Сарой Берке ҳам вайрон бўлди»⁵.

Амир Темур ана шу сўнги чорани аёвсиз равишда амалга оширгандан кейингина Чингизхон тузиб кетган золимлар салтанати узил-кесил ҳалокатга учради. Евроосиё деб аталган худудда яшаган ўнлаб эллар Амир Темур қаҳрамонлиги тудайили мустамлака азобидан қутилдилар.

Шу ўринда таниқли француз олими Люсьен Кэрэннинг қуйидаги фикрини эслаш ўринлидир. «Бу сафар Олтин Ўрда тиз чўкди. Шундан сўнг у ҳеч ўнганмади... Рус князликлари кўп ўтмай озоликка эришдилар ва бўлажак рус империясининг пойдеворини қўйдилар»⁶.

Амир Темур ватанига 1396 йилда олтимиш ёшга кирганда жуда катта бойликлар билан қайтиб келди. Уни бутун Турон халқи эўр қувонч билан қутиб олди. Шу муносабат билан Люсьен Кэрэн шарқона чиройли бир ёбрани ишлатиб ёзадики, «Амир Темур ўз фуқароларининг фаровонлиги учун жон куйдирадиган чинакам халқ отасига айланди ва Туроннинг барча фуқароларини уч йил давомида барча солиқлардан озод қилди»⁷.

Соҳибқирон Самарқандда, Қўқсаройда бир қиш ўлтириб, ҳар кун раянтийнинг арзи долин эшитди. «Ҳар кишига золимлардан зулм тегиб эрди, ул мазлумнинг додини золимлардан олди... Золимларни банди қилиб, жазосини берди. Ва баъзисини қатл эттириб, хонумонини талон қилдириб ва уч йиллик молу харжини раянтияга бағишлади... Ва ҳар вилоятда бир яхши кишини юбордики, раянтя аҳволидан харбдор бўлмай ва ҳар вилоятдаким, фақир мискин ва

¹Давом. Боши «Huquq»нинг 2006 йил 22 феврал 8-сониди.

дарвешу мустаҳқи бўлса, йиллик озуқ, кийим, кафш ва этуқ, фўта ва дастор берсинлар»⁸.

Амир Темурнинг адолатпарварлиги ва халқпарварлиги, айниқса, раъийат деб аталадиган олдий одамларни, ёрдамга муҳтож miskinларни, золимлардан жабр кўрган маълумларни ўз ҳимоясига олиши унинг энг олижаноб инсоний фазилатларидан эди.

Айни вақтда, соҳибқирон ободончилик ва бунёдкорлик ишларига вақтини ҳам, маблагини ҳам ямади.

1397 йилнинг баҳорида у Чиноз ва Тошкент орқали Туркистоннинг Ясси мавзесига Аҳмад Яссавий қабрини зиёрат қилишга боради. 1391 йилнинг кеш кунида Тўхтамишга қарши қўшин тортиб бораётганда зиёратгоҳ ҳовлисидаги қудуқдан шифобахш сув ичгани ва ўшанда кўнглига туккан ниъти унинг ёдида турган эди. Шу ниътнинг рўёбга чиқариш учун уста муҳандисларни чорлаб, Аҳмад Яссавий қабри устига улугвор мақбара қуришни бузурди.

вайронага айлантирган эди. Амир Темурнинг буйруғи билан бу шаҳар янгидан бунёд этилди, ораста иморатлар қурилиб, унга атрофдан оилалар кўчириб келинди, гўзал боғ-роғлар пайдо бўлди, шаҳар атрофи мустаҳкам қўрғон билан ўраб олинди. Бунинг ҳаммасидан мамнун бўлган соҳибқирон кенжа ўғли Шоҳруҳ Мирзога катта ишонч билдириб, шаҳарга Шоҳруҳия номини берди.

Тарихдан маълумки, Шоҳруҳ Мирзо улуг валенъематининг бу ишончини оқлади, отасининг ўлимидан кейин унинг буюк салтанатини инқироздан сақлаб қолди ва яна 45 йил бу салтанатни адлу инсоф, ақду фаросат билан бошқарди.

Амир Темур бутун дунёни худонинг мулки деб биларди. Унинг эътиқод қўйган Пири Комили Таъбодий соҳибқиронга ёзган мактубида «Парварлигорнинг мулкида адолатли иш тутгилким, мамлакат куфр билан

мовчиликлар ҳам қўшилиб, икки орада низо чиқади.

Бу низодан салб урушида мағлуб бўлган ва энди нажотни Амир Темурдан излаётган фарб давлатлари усталик билан фойдаландилар. Амир Темур Султонияда эканида унинг ҳузурига Испания ва Франция элчилари келиб, иқтисодий ҳамкорлик қилишни таклиф этдилар.

Амир Темур ҳам Франция ва Испанияга ўз элчиларини юбориб, улар билан яхши алоқа ўрнади, савдо-сотикни йўлга қўйиб, Европадан Эрон ва Марказий Осиё орқали Хитой ва Ҳиндистонгача борадиган ипак йўлини қайта тиклаш тўғрисида келишиб оладилар. Аммо бу режанинг амалга ошишига Йилдирим Боязиднинг бошқичликлари ва у ўз ҳимоясига олган Қора Юсуф кабиларнинг талончиликлари катта ҳов бўлиб турар эди.

Боязид қўшинлари Босфор бўғозини ва Константинополь шаҳрини қамал қилмоқда эди. Бу ҳодиса ҳам Европа билан Шарқ

ни ва тўрт оёқлаб арава торгганини тасвирлайди.

Ҳолбуки, Амир Темур касалланд Боязидга нисбатан олижаноб муносабатда бўлади. Унга ўз чодирни ёнидан ипак билан сиррилган махсус чодир ўрнаттиради.

Боязиднинг катта ўғли Мукулмон Чалабий Амир Темурга элчи юбориб, унинг хизматига бўлмоқчи эканини билдиради. «Соҳибқирон лутфу қарамидан қайсарзодага олтин камар билан Аскарция вилояти ҳокимлигини бериб, олтамга босиб ёрлик юборди. Ва иниси Исо Чалабийдан ҳам Кутбиддин олтик бир киши элчиликка келди. Анга дағи лутф ва марҳамат қилди»¹².

Амир Темурга душманлик руҳида ёзилган айрим ҳикоятларда гўё Боязиднинг хотинлари ва қизлари шармандали аҳволга солиниб, хор қилингани битилган.

Бу — тўхмат эди. Аслида Амир Темур аёлларга ҳеч вақт бундай муносабатда бўлмаган. Боязиднинг хотин ва қизларини Шайх Нуриддин Бур-

ватни тўхтатиб, адолат ва ҳамкорлик йўлига кирлади. Буюк Ипак йўли қайта тиклана бошлайди.

Амир Темурнинг Туркияда эришган ғалабаси бутун дунёни қойил қолдиради. Англия, Франция, Испания қироллари уни бу мислсиз улкан ғалаба билан қайта-қайта табриқладилар. Шу ғалаба натижасида Амир Темурни «Европанинг халоскори» деб улуглайдиган одамлар пайдо бўлди. Улар ҳатто Амир Темурга олтиндан кичик ҳайкал ясаб, уни шу аjoyиб сўзлар билан безаганлари ҳужжат сифатида бизгача етиб келган.

Француз олими Люсьен Карэн куйидаги эътиборга лойиқ бир фактни келтиради:

«Яқинда Жерар Вальтер ва Марсель Брон Амир Темурни ўзларининг «Асрлар ёдгорлиги» деган асарларига қаҳрамон қилиб танлашди ва Амир Темурни «XV аср тақдирини ҳал қилган инсон» деб атади»¹⁴.

Ҳақиқатдан XIV асрнинг охирида ва XV асрнинг бошида бутун дунёнинг йирик қадамлар билан

Қаҳрамонлиги

Тарихий манбаларда бу ҳақда шундай дейилади:

«Фармони олий бунёд бўлди: мақбаранинг гумбазини шундай бунёд этсинларки, ич томонидан айланаси бир юзу ўттиз газ бўлсин... Гумбазнинг кутри (диаметри) қарийб қирқ бир газ бўлиши керак, деворлар баланглиги ҳам шунга мутаносиб кўтарилмоғи керак. Деворлари ва қуббаси рангли кошинлар билан безатилсин...»

Қабр устига қўйиш учун Табриздан нодир мрамартош келтирилсин. Эшикларини етти хил маъдан қотишимасидан ясаинлар. Қурилишни якунлаш Мавлоно Садр Убайдуллага топширилсин. Буйруққа биноан мақбара қурилиши бир йилда туталади»⁹.

Ясси шаҳри жойлашган чўл жойга қурилишининг кошину мрамари Самарқанддан ташиб келтирилади. Лекин бу олижаноб ишга шунча катта куялар ва зўр уста-ю муҳандислар сафарбар этиладики, Аҳмад Яссавий мақбарасининг бутун ҳам оламин лол қолдириб бепоён чўлар сатҳида осмонга буй чўзиб тургани бутун дунёдан келиб кетаётган сайёҳларни лол қолдиради.

Шундай улугвор, гўзал ва мустаҳкам қилиб қурилган Яссавий мақбараси Амир Темур ҳиммати билан бир йилда бунёд этилгани кишига мўъжизалек туюлади.

Шунга ўхшаш яна бир мўъжиза Оҳангарон дарёсининг Сирдарёга қуйиладиган хушманзара жойларида қал кўтарган қадимий шаҳар — Винокентнинг тақдирига оиддир. Бу қадимий шаҳарни Чингизхоннинг ваҳший лашкарлари таг-туғигача вайрон қилиб, бутун аҳолисини қириб ташлаган ва инсон яшамайдиган

туриши мумкин, лекин зулм бор ерда туролмайди»¹⁰.

Амир Темур доим бу насиҳатга амал қилади. Унинг эътиқоди бўйича, бошқа мамлакатлар ҳам бир Худонинг мулки ҳисобланади. «Худонинг мулкини золимлар, бидъатчи мунофиқлар қўлидан тортиб олиб, адолат ўрнатилш учун белга ҳиммат камарини боғладим, — дейилади «Темур тузуқлари»да. — Бирон мамлакатда жабр-зулм, фикс-фасод кучайиб кетаркан, асл подшолар зулм ва фикс-фасодни йўқотиш ва адолат ўрнатиш учун ўша мамлакатта... боришлари лозим»¹¹.

Амир Темур мана шу эътиқодига асосланиб, чингизийлар мустахлаккага айлантирган Олтин Ўрда худудларидаги қатор ўлкаларни золимлар асоратидан озод қилди. Кейинчалик Табриз ва Боғлодди Аҳмад Жалоир деган золимнинг зулимидан халос этди. Қора Юсуф деган йўлтўсар золим ҳажга борадиган қаровларни талайди, беғуноҳ ҳожиларни ўлдирди. Амир Темур унинг қўшини билан жангга киришиб, Қора Юсуфни мағлуб этди. Соҳибқирон бу қароқчинни қўлга тушириб жазосини бермоқчи бўлганда, Қора Юсуф ўз одамлари билан Туркия подшоси Йилдирим Боязиднинг даргоҳига бориб ҳимоя топади. Табризда жуда кўп жабру зулм ва талончиликлар қилган Аҳмад Жалоирни ҳам Боязид ўз ҳимоясига олади. Соҳибқирон Боязидга элчилар юбориб, бу золим ва талончиларни Амир Темурга топширишни талаб қилади.

Ўша кезларда салб юришларига қарши урушиб, Европада катта ғалабаларга эришган Боязид Амир Темурни писанд қилмайди ва унинг ҳақли талабини бажармайди. Бунга бошқа келиш-

мамлакатларининг савдо-сотикни ривожлантиришларига тўсиқ бўлиб турарди.

Константинополь шаҳри ўзи алоҳида давлат ҳисобланарди. Унинг қироли Мануэль бир эмас икки марта шахсан ўзи Султонияга, Амир Темур ҳузурига қўнмат-бахо совғалар билан келиб, Боязид қамалидан қутулишда ёрдам беришини ўғтиниб сўрайди.

Йилдирим Боязид босиб олган ерларида бутун-бутун эл-юртларга жабр-зулм ўтказаетгани ҳақида Амир Темурга ўша ёқда иш олиб бораётган ўз маҳфий одамлари ҳам жуда кўп ахборот юбориб турадилар.

Зулмга қарши курашини ўзининг бурчи деб билган ва Европа ерларини ҳам бир худонинг мулки деб ҳисоблаган Амир Темур аввал Йилдирим Боязидга ётиги билан мактублар ёзиб, уни адолат йўлига қайтишга ундаб кўрди. Аммо бундан ҳеч натижа чиқмади. Амир Темурнинг охириги мактубларига Боязид ҳақоратомуз сўзлар билан жавоб берди ва «Кимки жанг қилишдан бош тортса хотинлари талоқ бўлсин!» деган кўпол ибораларни ёзиб юборди.

Шундан кейин Амир Темур икки юз минг қўшинга бош бўлиб, ўз лашкарлари учун энг қудай жойни Ангурия (ҳозирги Анкара) атрофларидан топди. Саркардалик даҳоси ва адолат йўлидаги пок ниёт бу гал ҳам соҳибқиронга оламшумул ғалаба келтирди.

Жанг охирида Йилдирим Боязид асир олинди. Инглиз драматурги Кристофер Марло ортик даражада фантазияга берилиб, Амир Темур Боязидни темир қафаста солиб олиб юргангани, унинг ўғиллари ҳам асирга олиниб, от ўрнига аравага қўшилган

сада асир олиб, Амир Темур ҳузурига келтиради. Шунда соҳибқирон «Боязиднинг хотунини ва қизларини киши-қаролари била Йилдирим Боязид ихтиёрига қайтарам»¹³ дейилади Язлий «Зафарнома»сида.

Албатта, голиблар Бурсалаги хазиналарнинг олтин ва жавоҳирларини қатор-қатор туялар ва араваларга ортиб олиб кетдилар. Бу бойликларнинг катта бир қисми икки юз минг кишилик голиб лашкарнинг беку навкарларига мукофот тарзида улашिलाди. Қолган қисмлари Самарқандга олиб келинади.

Амир Темур Боязид устидан ғалаба қозongan бўлса ҳам, Туркияни бурчи деб билган ва Европа ерларини ҳам бир худонинг мулки деб ҳисоблаган Амир Темур аввал Йилдирим Боязидга ётиги билан мактублар ёзиб, уни адолат йўлига қайтишга ундаб кўрди. Аммо бундан ҳеч натижа чиқмади. Амир Темурнинг охириги мактубларига Боязид ҳақоратомуз сўзлар билан жавоб берди ва «Кимки жанг қилишдан бош тортса хотинлари талоқ бўлсин!» деган кўпол ибораларни ёзиб юборди.

Шу тарзда Фарб билан Шарқ ярим асрга бўлса ҳам ўзаро адо-

Илмий бадиа

олга кетишида Амир Темурнинг қаҳрамонона фаолияти ҳал қилувчи мавқеъини эгаллади.

XIV асрда дунё тушунчаси ҳозиргидай кенг ва катта эмас эди. У пайтда ҳали ҳар икки Америка қитъаси, Австралия, Марказий Африка, Океания ороллари кашф этилмаган эди. У замоннинг одамлари дунё деганда Европани, Осиёни ва Африканинг шимолидаги Миср каби мамлакатларни назарда тутар эдилар.

Ўша давр нуқтан назаридан қараганда Амир Темур Европа ва Осиёнинг энг катта қисмини эгаллаб олган Чингизхон империясининг жабру зулимидан, аввало ўз ватанини, сўнгра Хуросон, Эрон, Озарбайжон, Россия, Украина каби мамлакатларни халос қилгани чиндан ҳам унинг XV аср тақдирини ижобий томонга қараб ўзгартяри олган улуг сиймо бўлганини кўрсатади. Бунинг устига у Болқон ва бошқа Европа мамлакатларини Йилдирим Боязид тажовуларидан қутқаргани унинг XV аср тақдирини ҳал қилган даҳо инсон бўлганини яна бир қарра исбот этади.

Биз бу ўлмас сиймонинг ватандошлари сифатида унинг маънавий меросини чуқур ўрганишга ва энг яхши инсоний фазилатларидан ибрат олишга бурчимиз.

(Тамом).

¹ Сарамдай — Дунай бўйидаги жой номи
² Исфаҳа сароси — Дунайнинг Қора денгизга қуйиладиган жойидаги ботқоқлик нооби
³ Ш.А.Язлий «Зафарнома», 178-бет.

⁴ Ўша китоб, 181-бет.

⁵ Ўша китоб, 182-бет.

⁶ Люсьен Карэн — «Амир Темур салтанати», Тошкент, 1999 й. 78-бет.

⁷ Ўша китоб, 80-бет.

⁸ Ш.А.Язлий, «Зафарнома» 186-187-бетлар.

⁹ «Темурлар бунёдкорлиги давр маълумлари», тўплам, Тошкент, 1997 й. 98-бет.

¹⁰ «Темур тузуқлари», 2005 й. 114-бет.

¹¹ Ўша китоб, 115-бет.

¹² Ш.А.Язлий, «Зафарнома» 1997 й. 268-бет.

¹³ Ўша китоб, 264-бет.

¹⁴ Люсьен Карэн — «Амир Темур салтанати», Тошкент, 1999 й. 12-бет.

Арастудан сўрадилар: — Нега аксарият одамлар йиғитлик чоғида ҳавасга, кайф-сафога мойил бўлади?

У шундай жавоб беради: — Йиғит икки қувватдан бири — ақли ёки нафсининг таъсири остида бўлади. Агар ақли ғолиб бўлиб, йиғит унинг измида юрса нажот топади. Нафсага эргашган йиғит эса, фалокат ва ҳалокатга учраб ҳаётини тарбод этади.

2005 йилнинг 22 январь кечаси «Азия-Престиж» ресторанининг иккинчи қаватида янграётган мусиқа садоси юракни жунбушга келтиради. Баҳоқирнинг туғилган куни ана шундай яхши кайфиятда бошланди.

Зиёфатдан кўнгли ҳуш бўлиб ўтирган Ойбек ён-атрофига назар ташларкан, қўшни столдаги Элвирага кўзи тушди. «Жуда келишган қиз экан», — хаёлидан ўтказди йиғит. Кейин ўрнидан туриб, ўйинга тақлиф қилиш учун Элвиранинг олдига борди.

— Яхши қиз, келинг бира... Қиз унамади. Шундай бўлсада, тадбир давомиди кўпчилик бўлиб рақсга тушишганда ҳам йиғит қиздан нигоҳини узмади.

Тадбир ниҳоясига етар экан, Элвирани туғилган кунга тақлиф қилган Феруза меҳмонни соғ-саломат уйига етказишни ўйларди. Шунинг учун дугонасини ўз уйига олиб бориб қўйиш маъсулиятини укаси Жамшидга ишонди. Улар ресторани олдидан қатор турган таксилардан бирига ўтиришди. Аммо Қ.Содиқовага тегишли «Жигули»да кетаётган Элвира билан Жамшиднинг орқаларидан йўлга тушган «Матиз» автомашинаси шаҳарнинг «Са-ноатчилар» кўчаси ҳудудига кирганда қувиб етиб тўхтади. «Матиз»-

дан тушган Ойбек Элвира билан Жамшид ўтирган автомашина эшигини шахд билан очаркан, қизга пўписа қилди:

— Туш, машинадан! — мастликдан қизарган кўзларида йиғитга хос жасорат, мардлик ўрнини жахлатиб, бадбинлик эғаллаётган ширакайф йиғит Жамшидга юзланди: — Эля мен билан кетади. Чунки... Чунки у биринчи мен билан танишди...

Жамшид қизни ҳимоя қилмоқчи бўлди. Аммо бир алфозда турган Ойбекнинг дағдағасидан кейин элинишдан бошқага ўтолмади. Элвира ҳам қаршилик кўрсатмоқчи бўлганда, Ойбек унинг юзига бир-икки тарсаки туширди. Узини кутурган шерадек ҳисқилаётган йиғитнинг буқилиғидан кейин қиз жуда кўрқиб қолди.

Ойбек учун бу айни муддао бўлди: — Балонни узоқроққа бориб алмаштир...

Хайдовчи бир томондан кўркувдан ҳаяжонланаётгани, бир томондан виждон азобидан қийналаётгани боис гилдиракни алмаштириш учун қалитини тополмади...

Ойбек эса Элвирани шайтоний нафс йўлига олиб қиролмай жони ҳалак эди. Охири бўлмади. Йиғит гапга кўнмаган қизини уриб, ҳақоратлай бошлади. Сўнг эса каналга итариб юборди.

Муздек сувнинг таъсири ва калтакнинг зарбидан озор чеккан қиз хайдовчининг ёрдамида каналдан чиқди. Бироқ у бу воқеа ҳақида албатта қонун идораларига хабар бермоқчи эканлигини айтганда Ой-

кемпиони, спорт устаси», дея фахрланиб юрган ота-онанинг энди бошлари эгик. Спиртли ичимлик касрига қолиб лаҳзалик маишатни ўйлаган ўғиллари маҳалла-кўй, қавм-қариндошлар ўртасида уларнинг юз-ни ерга қаратди.

Найля она қизи Элвира билан Самарқанддан Бухорога йўлга отланган пайтдаёқ кўнгли негадир гашланган эди. Синглиси Земфирани-

Фожеа

«Матиз» хайдовчисидан автомашина қалитини олиб қўйган Ойбек қизни кузатиб келаётган Жамшиднинг қолдириб, шофёрга буйруқ берди: — Давай, ҳайда мошинни. — Қаёққа? — ҳайрон бўлди хайдовчи миҳоздан норози оҳангда. — Баҳовуддин томонга...

Йўл-йўлакай даҳанаки жанг қилиб келаётган қиз билан йиғитни салон ойнасидан кузатаётган хайдовчи гуноҳ ботқоғига тойиб кетишдан кўрқарди. Аксига олиб «Сувоқобод» кишлоғи олдидан оқиб ўтувчи «Кардун» канали ёқасида «Матиз»нинг гилдираги ёрилди. Айнан шундай вазиятни кузатган

бек баттар жаҳл отига минди. Қизни оёғи билан тепкилаб каналга қайта итариб юборди...

Элвира Харламовага ҳеч қандай ёрдам кўрсатилмади. Нобакор, разили йиғит қўлидан қутқармоқчи бўлгандек сув тўқинлари қизни ўз бағрига олган эди...

Астафурulloх, дея ёқа ушлайсиз. Наҳотки, шу йиғитни ҳам она — аёл дунёга келтирган бўлса? Унинг ҳам она-сингиллари бордир ахир. Ҳа, Ойбек ҳам инсон фарзанди. Тўпна-тўзуқ ота-онанинг беш қиздан кейин тилаб-тилаб олган ёлғиз дилбанди эди. Бир вақтлар, «ўғлим Ойбек самбо бўйича Ўзбекистон

кўнгли меҳмонга келган аёл қизини дугонаси Феруза туғилган кунга тақлиф қилган ўша машъум кун Элвиранинг умрини мангуа муҳралишни билганда эди...

«Чорбакр» каналининг «Чорбахосса» сув иншоотидан топилган қизининг жасадини кўрган онаизорнинг оху зоридан борлиқ титрагандек бўлди гўё...

Не-не орзуларда ўғил ўстириб, бугун таъна-ю маломат, қаргилардан кўнгли чилпарини бўлган қотилининг волидаси аҳолини кўз олдингизга келтирганда, дилингизнинг туб-тубида оғриқни сезасиз... Нафсини бўйсундириш ҳар қан-

дай кишининг қўлидан келавермайди. Хусусан, спиртли ичимлик билан ошно тутинганлар бу имкониятдан тамоман мосуводир.

Ойбек ҳам арок ичмаганида, балки бу фожеа содир бўлмасмиди? Ойбек Орипов суд ҳукми билан 18 йил озодликдан маҳрум қилинди. Бу муддат унинг ўз қилмишини ўйлаб кўриш учун етар бўлади деб умид қиламиз.

Ҳамро САИДОВ,
Бухоро вилоят прокуратураси бўлим прокурори,
Моҳира ШАКАРОВА,
журналист

Тўқликка шўхлик

Дарҳақиқат, бугунги кунда ҳаётимизда тўқин-сочинлик кўпайгани сари баъзи ёшлардаги тўқликка шўхлик ҳисси тобора кучайиб бормоқда. Ҳақи савол туғилади. Бунинг илдизи қаерда? Менимча, бунинг илдизи аввало шахс шаклланаётган оилада, муҳитдадир.

Зеро, инсон ҳеч қачон худбин, жоҳил бўлиб туғилмайди. У бу иллатни ҳаётдан, одамлардан олиши мумкин. Ойбекнинг ҳаётини ҳам ана шундай норасо ижтимоий муҳитнинг ҳосиласи дейишга асос бор. Шу боис мазкур фожеада нафақат унинг, балки ўғил тарбиясига лоқайдлик билан қараб келган ота-онасию, яқинларининг ҳам маълум даражада айби бор деб ўйлайман.

Чунки, инсон психологиясида ҳар қандай мотивация (инсонни у ёки бу ҳаракатга ўндовчи ички туртки) барқарор эмас, уни ўзгариштириш, яхши ёки ёмон томонга йўналтириш мумкин. Биз катталар бунга жиҳдий эътибор ҳам бермаймиз. Натигада Ойбек сингари ўйлаб ёшларнинг тақдирини мана шундай фожеали яқун топаверади. Касални даволашдан кўра унинг олдини олиш йўлларини излаш муҳимроқ. Айтиш мумкинки, Ойбекнинг бу ноҳўй ҳаракати барча салбий ҳаракатларнинг қулминацияси бўлган. Уни шу даражага еттувча қадар керакли таъсирилар бўлмаган.

Хулоса қилиб айтганда, Ойбекда нафсининг қули бўлиш ҳисси аллақачон шаклланиб бўлган. Энди бу ҳиссиётни бартараф этиш бир мунча қийин. Ёшларда бундай ҳиссиёт шаклланмаслиги учун аввало ота-она, кўни-қўшини ва энг муҳими умумтаълим мактаблари ўз маъсулиятларини сезишлари даркор. Акс ҳолда Ойбекка ўхшаган ёшлар фожеаси жамиятимизга жуда қимматга тушади.

Таъқининг икки томони бўлганидек, бу фожеа содир бўлишида кечгача ресторанида қолиб кетган қизни ҳам оқлай олмаيمиз.

Ш. БАРОТОВ,
Психология фанлари доктори, профессор



Дунёдаги ҳар бир воқеа-ҳодисанинг содир бўлиш сабаби бор. Дарҳақиқат собитлиги унинг илдизи билан. Ҳар бир жамият мустақамлиги фарзандларнинг тарбияси ҳамда маънавий баркамоллиги биландир. Пайғамбаримиз (с.а.в) саҳобалар жамиятига асосий эътибор берган нарса тарбиядир. У киши: «Аллоҳ таоло Қиёмат куни ҳар бир масъулдан сўроқчидир», яъни, ўзига юклатилган маъсулиятга қандай ёндашди? Бизлар ёшларни Аллоҳдан қўрқадиган, ундан ҳаё қиладиган қўлиб тарбияламасак бундай муҳажир воқеалар яна содир бўлаверади. Ахир улар келажагимизнинг пойдеворларидир. Пойдевори қий-шиқ иморат эса охири қулайди-ку! Аввало қиз бола бегона шаҳарда

дугонасига эргашиб туғилган кун даврасига келиши шариятда ҳаром қилинган. Пайғамбаримиз (с.а.в): «Йимон келтириб, охиратга ишончи бор аёл нахрамсиз сафар қилиши ҳаромдир», деганлар. Маҳрамини, яъни, эри, акиси, тоғаси... Бу ми эркинликни тўсиш, шахсга ишонсизлик эмас, балки фожеанинг олдини олишдир. Ахир «Кўза кунда эмас, кунда синида», дейишадди-ку! Яна бегона эркак ва аёлларнинг холи қолиши хусусида пайғамбаримиз (с.а.в) айтдилар: «Агар бегона эркак ва аёл холи қолса, улардан унчи-чилари шайтон бўлади. Шайтон бўлган жой фожеахона бўлади». Кўч-куватга тўлган айни йиғит ёшида бўлган Ойбекнинг ҳолати ҳам бир жиҳатдан шу ҳолатни эслатади.

Бир немис олимидан сўрашган экан. — Нима қилсақ дунёдаги жиноятларнинг олди олинади? — Сизлар менга спиртли ичимликлар ишлаб чиқаришни эллик фоиз камайтириб берсанлар, жиноятни ҳам эллик фоиз камайтириб бераман. Бу машъум ичимликнинг биринчи жинояти эмас, балки миллионлардан бир қатриси. Бутун бошли оилаларга, фарзандларга, истеъдодларга, илмий изланишларга, улкан тижоратларга уриладиган ойболта бу. Ҳар бир жиноятнинг ўз тарихи, йўли, уни қўриб қўрмасликка олганлар бордир. Пайғамбаримиз (с.а.в): «Мусулмонлар ўзаро бир жасад қабилидирлар. Жасаднинг бир өри оғриси қолгани уни иситма ва дард билан

қарши олар», деб айтганлар. Бу надомат икки оиланинг эмас, балки бутун жамиятнинг мусибатидир. Қирақаш йиғит қатъиятли бўлиши, ички ишлар идоралари ходимларига жиноят ҳақида хабар бериши, қизни қўтаришга ҳаракат қилиши лозим эди. Ахир қўз ўзингизда қотилиқ содир бўлса-ю, сиз томошабин бўлиб турсангиз... Муқаддас динимиз, бой маданий меросимиз, буюқ пириларимиз таълимотларини ушбу файзли, мустақил қўларимизда машъал қилиб олсак, соадатга эришгаимиз. Келажагимизнинг буюқ бўлиши муқаррардир. Муҳиддин НУЪМОНОВ,
Мир-араб мадрасаси директори,
Азизқўжа ИНОЯТОВ,
Мир-араб мадрасаси ўқитувчиси

Бола азиз

«Фожеа»ни ўқиб, Элвиранинг онаси, яқинларига ачинганимдек, Ойбекнинг ота-онасига ҳам қанчалик оғирлигини дилдан ҳис этдим. Чунки ҳеч бир ота-она фарзандига бу каби тақдир ёзуғини истамайди.

Раҳматли ота-онам дастурхон атрофида, оилавий йиғинларимизда «Сизлар бизнинг юзимиз, ор-ноумсимиз», дея бот-бот такрорлардилар. Ота-она учун бола улғайиб, воғта етса ҳам, қиз чиқариб, ўғил уйласса ҳам бола бўлиб қолаверар экан. Саккыз қиз, уч ўғилни тарбиялаб, ўқитиб элга қўшган ота-онамни бутунгунда жойнамоз устида руҳи покларини йўқлаб тиловат қиларканман. «Имкомини бўлса эди, сизта олтиндан ҳайкал қўярдим, азизларим» деган ўй кечадан кўнглимдан.

Ўзбек болам деб яшайди. Аммо, бола азиз, одоби ундан-да азиз эканлигини унутмайлик. Бир китобда ўқитганим бор. «Тарбия бу ҳаёт-мамат масаласи». Ҳақ гап. Оқилу солиҳ фарзанд тарбиялаган кишилар хотиржам кесаллик таштини суради. Биласк фарзанд тарбиясида хатога йўл қўйган ота-она Ойбекнинг, Элвиранинг ота-оналаридек азият че-

кишади. Тарбия аввало, оиладаги муҳит, ота-онанинг ўзаро муносабатлари, мактаб, маҳалла, қўни-қўшнилари борасидаги муомала маданиятига ҳам боғлиқ-ки, бола ҳар бир хатти-ҳаракати назардан қолдирмайди. Бирига тақдил қилса, бошқасидан ибрат олиб улғайди.

33 йиллик педагогик фаолиятим давомидида минглаб ўқувчиларимнинг оиласи, моддий-маънавий шароити билан танишдим. Шундан келиб-чиқиб айтмоқчиманки, аксарият ҳолларда иқтисодий тўқ, яшаш шароити етарли болалар енгил-елпи ҳаёт, ўйин-қўлгута мойил бўлишади.

Ойбек ҳам спиртли ичимлик истеъмол қилмаганида, ярим тунгача кўча-кўйда қолиб кетмаганида ёки Элвира ўша «давра»га бормаганида, балки бу нохуш ҳолат содир бўлмасди.

Қисқаси, рус педагоги Макаренко таъбири билан айтгандак: «...Яхши тарбия бизнинг бахтли кексалгимиз, ёмон тарбия — бўлғуси ғам-андўлларимиз, қўз ёшларимиз, бошқа одамлар олдидаги, бутун мамлакат олдидаги айбимиз демак».

Мавжуда ЖУМАЕВА,
Бухоро шаҳри, ўқитувчи

Пойдевор қийшиқ бўлмасин!



Парламентга сайлов

Украинада парламент сайлови нихоёсига етди. «Pro UA» интернет нашрининг тарқатган маълумотларига кўра, сайловда Виктор Януковичнинг «Худудлар партияси» 31 фоиз овоз билан етакчилик қилмоқда. Иккинчи ўринни Юлия Тимошенко раҳбарлигидаги сиёсий блок 23,9 фоиз овоз билан эгаллаб турибди. Аамалдаги президент Виктор Ющенко бошчилигидаги «Наша Украина» партияси эса 18 фоиз овоз билан учинчи ўринда. Яқинда куни Тимошенко вакиллари «Наша Украина» ҳамда Украина социалистик партияси вакиллари билан ягона коалиция тузиш ҳақида музокара бошлашга тайёр эканлигини билдирди. Шунингдек, Тимошенко хоним Бош вазир лавозимини эгалламоқчи эканлигини ҳам ошкор этди. Тез кунларда сайловнинг яқин натижалари эълон қилинади.

Самарали музокаралар

Пекинда Хитой халқ республикаси раиси Ху Цзинтао ҳамда Россия президенти Владимир Путин ўртасида музокаралар нихоёсига етди. Маълум бўлишича, уларда асосан Россия ҳамда Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва халқаро майдонда икки давлатнинг сиёсий таъсирчанлигини кучайтириш муаммолари муҳокама қилинди. Музокаралар ёпиқ эшиклар ортида ўтказилди. Россия президентининг Хитойга ташриф чорига мамлакатда «Россия йил» тадбирлари бошланди. Ташриф давомида 30 дан ортиқ ҳужжат имзоланди.

Германияда Европанинг учта давлати самолётсозлик компаниялари томонидан ишлаб чиқарилган «Airbus A-380» самолёти синовдан ўтказилмоқда. Утган ҳафта мазкур самолётдан йўловчиларни эвакуация қилиш синаб кўрилди. Ҳамбург-



Муваффақиятли авиасинов

даги синовда 850 нафар кўнгилли иштирок этди, уларнинг 40 фоизини аёллар, 35 фоизини эса 50 ёшдан ошган кишилар ташкил этди. Режа бўйича 90 секунд ичида самолётни тарқ этиш керак эди. Бирок, ҳар доимгидек бунга кўрқув халақит берди. Саросимага тушган кишилар турли хатоларга йўл қўйдилар, натижада уларнинг 33 нафари турли даражада жароҳатланди. «BBC News»нинг хабарига кўра, самолётсозларни бундай натижа қониқтирган. Кутулишича, тез орада мазкур лайнернинг синов нихоёсига етиб, уни трансатлантик рейсларга қўйиш режаси жорий этилади.



Муаммога музокара лозим

«Jerusalem Post» нашри Исроил-Фаластин муаммоси ечими борасида янги маълумотларни тарқатди. Унда Фаластин ҳукумати тепасига қалган ХАМАС ташкилоти етакчиларидан бири, бош вазирликка номзоди курсатилган Исмоил Ханиянинг муражаати чоп этилган. Ханиянинг фикрига кўра, ХАМАС ташкилоти раҳбарлари минтақадаги қонли туқнашуларга барҳам бериш тарафдоридир. Шунингдек, муаллиф Исроил-Фаластин муаммосини ҳал этишга доир бир неча банд бўйича ҳам фикрнинг билдирган. Булажак бош вазир икки давлат ўртасидаги чегараларнинг бир томонлама, яъни Исроил томонидан демаркация қилинишини нотўғри деб баҳолади. Ханиянинг фикрича, мазкур масала икки томонлама музокаралар орқали ечилиши лозим. Хания Олмерт ва унинг партиясини кескин танқид қилиб, чегарага оид ва бошқа сиёсий муаммоларни қайтадан кўриб чиқишни таклиф этди.

Автофалокат

Сурияда иккита катта автоҳалокат рўй берди. «AFP» ахборот агентлиги тарқатган маълумотга қараганда, яқинда куни Алеппо ва Хама шаҳарларини боғлаб турувчи автомагистралда кетаётган автобус ағдарилиб кетган, оқибатда беш киши ҳалок бўлган. Иккинчи автоҳалокат Алеппо шаҳрининг жанубида рўй берди. Катта тезликда кетаётган автобус юк машинасига урилиб кетган. Бу сафар фожеа туфайли 10 киши ҳаётдан кўз юмди. Хуқуқ-тартибот органлари вакилларининг айтишича, шу кунги Сурияда кучли ёмғир ёққан. Таъкидлаш кераки, бундай ёмғир Сурияда тез-тез ёғавермайди. Ҳалокатларнинг рўй беришига ҳайдовчиларнинг бундай шароитда уловларни бошқара олмай қолганлиги сабаб бўлган.



Тушунмовчилик қимматга тушди

Кения ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўтган ҳафта шанба кунги ҳибсга олинган тўрт нафар Россия фуқаросини озод этди. Россиялик киноҳодкорлар Кениянинг ҳайвонот олами тўғрисида филм суратга тушириб юрганлар. Бундан хабар толган мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи вакиллари уларни текшириб кўрганда филм иждоқорлари ҳеч бир лицензиясиз ишлаётгани аниқланган. Шу сабабли уларни қамаб қўйишган. Сўнгги маълумотларга кўра, Россиянинг Кениядаги элчихонаси вакиллари аралашгач, муаммо ечимини толган. Кениядаги Россия элчисининг хавфсизлик масалалари бўйича ёрдамчиси Виктор Ворониннинг айтишича, айни дамда тушунмовчилик бартараф этилган, филмни тасвирга туширишга руҳсат берувчи лицензия 32.000 доллар туради, тез кунда руҳсатнома олинб, ишга киришилади.

Капитаннинг ҳаракати



Россия Бош прокуратураси «Электрон» траулерининг капитани Валерий Яранцевга нисбатан жиноят қонунчилигининг ноқонуний равишда балиқ овлash ҳамда фуқароларни хоҳишига зид равишда ушлаб туриш бандлиги билан жиноят иши қўзғайди. Гап шундаки, «Электрон» траулери 2005 йилнинг ноябр ойида Шпицберген ороллари яқинида ов қилиб юрганда уни Норвегия киргоҳ полицияси қонунни бузган деб ушлаб қолмоқчи бўлади. Бирок кема капитани Валерий

Яранцев тезликни ошириб ушбу худуддан қочиб қолади. Норвегия томони мазкур ҳолатни тезда Россия ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига етказди ва чора кўришни талаб қилади. Шу боис дастлаб Мурманск прокуратураси, кейинчалик Бош прокуратура мазкур ишни ўрганишни бошлади. Яранцев Бош прокуратура қўйган айбловларни рад этиб, у ҳеч қандай норвегиялик фуқароларни кемада ушлаб турмаганини ва Шпицберген ороллари атрофида халқаро конвенция бўйича 42 давлат, шунингдек Россия кемалари ҳам ов қилиш ҳуқуқига эга эканлигини таъкидлади. Россиянинг «Комсомольская правда» газетаси хабарига кўра, мазкур ҳолат ҳозир қайтадан ўрганиб чиқилмоқда ва тез кунларда ушбу ишга нукта қўйилиши мўҳарра.



Ҳиндистон миллий конгресси раҳбари Соня Ганди мамлакат парламентидаги ўз депутатлик мандатидан воз кечишини эълон қилди. Маълумки, Ҳиндистон миллий кон-

Депутатликдан воз кечди

гресси мамлакатдаги ҳукмрон партия бўлиб, парламентда акарият жойини эгаллаб турибди. Ганди хонимнинг бундай баёнот беришига мамлакатдаги мухолиф партиялар вакиллари унинг бир неча лавозимларда ишлаганликда айблагани сабаб бўлди. Гап шундаки, Соня Ганди Ҳиндистон миллий конгрессига раҳбарлик қилиш билан бирга миллий маслаҳат кенгашининг раиси ҳамдир. Мамлакат қонунчилиги бўйича эса парламент депутати бошқа жойда ишлаб даромад олишга ҳақли эмас. Соня Ганди тарафдорларининг Ганди хоним миллий маслаҳат кенгашида фаолият кўрсатиб ойлик олмаслиги ҳақидаги баёноти мухолифларга етарли бўлмади ва улар талабларида туриб олдилар. Ганди хоним ўзининг иродалилиги ва қатъиятчилигини кўрсатиб қўйиш мақсадига нафақат маслаҳат кенгашидаги лавозимдан, балки парламентдаги депутатлик макомидан ҳам воз кечишни билдирди. Лекин, шундай бўлса-да, у миллий конгресс партиясининг раҳбари лавозимини сақлаб қолади. «Соня Ганди келаси парламент сайловида яна бир бор ўз бахтини синаб кўришни таъкидлади», — деб хабар беради «BBC News».

Визасиз кириб-чиқиш

«Яқин орада Швейцария ҳамда Россия ҳуқуқматлари ўзаро иқтисодий ва бошқа йўналишлардаги ҳамкорликни ривожлантириш борасида музокаралар олиб боради», — деб хабар беради «РИА Новости» ахборот агентлиги. Россиянинг Берндаги элчиси Дмитрий Черкашин бу борада Швейцариянинг «Sonntag» газетасига интервью беракан, музокараларнинг илк босқичида виза режимини соддалаштириш масаласи кўриб чиқилишини маълум қилди. Энди икки давлат фуқаролари учун виза тўловлари камайтирилади ва уларнинг олинishi соддалаштирилади. «Яқин келажакда, — дейди Черкашин, — музокара натижасида икки давлат ўртасида виза режимини умуман бекор қилиш масаласи муҳокама этилади».



«AFP» ахборот агентлиги тарқатган маълумотларга кўра, Нигерия президенти Олусегун Обасанжо мамлакатда истиқомат қилувчи Либериянинг собиқ раҳбари Чарлз Тэйлорни Либерия ҳукумати вакилларига топширишга тайёр эканини билдирди. 25 март кунги Обасанжо Либериянинг ҳозирги президенти Эллен Жонсон-Сирлиф билан боғланиб, Ч.Тэйлор Нигерияда ҳибсда эканлиги ва Либерия ҳуқуқ-тартибот органлари уни олиб кетиши мумкинлигини айтди. Эслатиб ўтиш жоизки, Ч.Тэйлор ҳарбий трибунал томонидан Серра-Лионедаги урушда исёнчиларга молиявий кўмак берганликда айбланипти. Мазкур уруш оқибатида минглаб одамлар қурбон бўлган. Яқин кунларда Либерия ҳукумати Тэйлорни Нигериядан олиб чиқиб трибунал қўлига топширишни режалаштирмоқда.



Яна бир давлатдаги вирус

Парранда гриппи ҳозир жаҳон тиббиётчиларини ўйлантираётган касалликлардан биридир. Мазкур касалликнинг тез тарқалаётгани одамлар саломатлиги учун жиддий хавф туғдирапти. Сўнгги вақтда касалликнинг ушбу тури Европа давлатларида ҳам кузатибланган эди. «Haaretz» нашрининг хабар беришича, ўтган ҳафта бу хасталик Иорданияда ҳам аниқланган. Мамлакат соғлиқни сақлаш вазири Саид Дарвазининг маълум қилишича, парранда гриппи касаллиги мамлакатнинг Исроил билан чегарадош худудда жойлашган Ажлундаги фермалардан бирида аниқланган. Мазкур худуд ёпиқ деб эълон қилиниб, ҳозир вирус тарқалишининг олдини олиш ишлари олиб бориламоқда. Айни дамда Исроил ҳамда Иордания ҳуқуқматлари вакиллари ушбу касаллик тарқали-



Исёнчининг ҳалокати

«Internet» хабарлари асосида Д.ЭШМУРДОВ тайёрлади
Утганаарнинг охирати обод бўлсин!
Республика Бош прокуратураси жамоаси ва фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази прокуратура фахрийси
Элмурод СУЛАЙМОНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор қилади.

Намойишлар қонунийми?..

Беларус давлат телевидениеси Европа иттифоқининг ташқи сиёсат ва хавфсизлик масалалари бўйича вакили Хавер Соланани мамлакатда рўй бераётган ноқонуний намойишларни уқштиришда айблади. Телевидение вакилларининг галига кўра, мазкур айблов Беларус хавфсизлик хизмати маълумотларига асосланган. Хабарларда айтилишича, Х.Солана мамлакатдаги мухолифатчилар раҳбари Александр Миленкевич билан бевосита мулоқотга киришиб, мамлакатда ноқонуний намойишлар ўтказишни келишиб олган. «РИА Новости» ахборот агентлигининг хабарига кўра, мазкур намойишлар пойтахт Минскда ўтган ҳафтадан буён давом этапти.

«Internet» хабарлари асосида Д.ЭШМУРДОВ тайёрлади
Утганаарнинг охирати обод бўлсин!
Республика Бош прокуратураси жамоаси ва фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази прокуратура фахрийси
Элмурод СУЛАЙМОНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор қилади.

Учрашув

Яхлитлик

Юртинг шундай фарзандлари бўладики, улар ўзини камолга етказган миллатнинг маънавий қиёфасини намойиш этади. Ҳозирги замон ўзбек адабиётининг етук намоёнаси, Ўзбекистон қахрамони Абдулла Орипов ана шундай шахслардан бири. Утган жума куни Республика Бош прокуратурасида халқ шоири билан учрашув бўлиб ўтди.

Бутун йилги давомида миллий уйғониш ва ватанпарварлик руҳи ҳукмронлик қилди. Айниқса Абдулла Ориповнинг куйидаги гаплари қатнашчиларда катта таъсирот қолдирди:

— Мустанқиллик халқимизга келтирган сон-саноксиз незматлар қатори ижодкорларга берган эркинликнинг қадрига етишимиз лозим. Илгари ёзувчиларни маъзул қилибди ушлаб туришга ҳаракат қилинарди. Улар прокуратура, суд, мудофила оид идораларга яқинлаштирилмасди. Бугун ўзингиз кўриб турганингиздек сизлар билан учрашиб, юрт келажаги ҳақида суҳбатлашмоқдамиз. Барчамизни айнан мана шу яхлит туйғу бирлаштириб тургани рост. Мана шу юрт, унинг ютуқлари ҳам, муаммолари ҳам ўзимизники эканлиги шубҳасиз. Эндиликда биз мансуб бўлган миллатнинг дўсти барчамизнинг дўстимиз, ганими ҳам барчамизнинг душманимиз. Энг афсусларлики, орамиздан ҳамон кўнглига мана шу туйғу ёт бўлганларнинг чиқиб кетганидир. Асли одамзот но-мукаммал яратилган. Чунки унинг нафси бор. Инсон боласини нафс бошқара бошласа, ақлини, кўнглини забт этса, бундан ортиқ фожиа йўқ. Буюк бобоқлонимиз Алишер Навоий таъбири билан айтганда, нафсини чеклаб олган шахсгина эркиндир. Биз ёзувчилар ўз асарларимиз билан, сиз ҳуқуқшунослар эса қонун ва адолатни таъминлаш йўли билан нафс қулига айланаб миллат қайғусидан узоқлашган шахсларга қарши курашамиз.

Шундан кейин шоир ўз шеърларидан ўқиб бериб, йилгиланларнинг олқисига сазовор бўлди.

Собиржон САИДОВ,
Республика Бош прокуратураси бошқарма прокурори

Матбуотни ҳаёт кўзгуси дейишади. Лекин ҳар қандай газета ёки журнал жамоаси бу номни оқлаш учун тинимсиз изланиши, содир бўлаётган воқеаларнинг биронтасини ҳам назардан қочирмай, янгиликларни ўз вақтида илгаб олиши шарт. Чунки рақобат қўчайган ҳозирги шароитда газетанинг ўз ўқувчисини топishi осон эмас. Шу нуқтаи назардан қараганда Қашқадарь вилоят прокуратураси муассислигида чоп этилаётган «Адолат кучи» газетаси матбуот бозорига муҳлислар кўнглига йўл топа олганини ижодий жамоанинг ютуғи деб баҳолаш мумкин.

Ёзқича ёзиб бўлмайдۇ

Бир-икки йил аввал 2000-2500 нускада чоп этилган газета ҳозир 8500 дан зиёд нускада чиқаяпти ва бу борада вилоятда етакчи ўринни эгаллаб турибди. Муаллифлар доирасининг кенгайганлиги, фуқароларнинг хатлари билан ишлаш яқинлашганлиги газетанинг нуфузи ошишига олиб келди. Унинг 2005 йилги таҳлили арақлаб чиқсангиз, газета ўз қиёфасига, ўзига хос услубга эга эканлигига ишонч ҳосил қиласиз.

«Адолат кучи» ҳуқуқий нашр бўлганлиги учун унда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳот, қончиликмизмиздаги ўзгаришларга кенг ўрин берилаётганлиги табиий. Шунга айтиш кераки, вилоят прокуратурасининг доимий эътибо-

ри, прокуратура раҳбарларининг газетани вақти-вақти билан чиқиб туришлари унинг таъсирчанлиги ошишига кўмаклашмоқда.

Газетада «Прокурор назорати», «Қонун ва биз», «Туман прокуратураси фаолиятидан», «Жиноятга жазо муқаррар» каби доимий рунлар остида қатор мақолалар бериб борилапти.

Маълумки, мамлакатимизда тadbиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилапти. Газетада бу соҳадаги қонун, қарор ва фармонларнинг ижроси бўйича мунтазам равишда материаллар бериб боришмоқда. Вилоят ҳўжалик судининг судяси М.Турсунов, солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи Э.Соатов,

журналист М.Пирматов, вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси М.Шариповларнинг таҳлилий мақолалари шулар ҳужласидандир.

Газета ислохотларга гов бўлаётган айрим камчиликларни ҳолисо-на танқид қилиб, муаммонинг ечимини излашга ҳаракат қилаётганлиги диққатга сазовор. Масалан, Н.Шеровнинг «Бир деҳқоннинг изтироблари» мақоласида маҳсулот етиштириб, ҳақини вақтида оло-

Ҳуқуқий матбуот

қатор мақолалар бериб боришмоқда. Мисол сифатида Қарши шаҳар прокуратураси терговчиси С.Каттабоевнинг «Одина масжиди тақдирини», журналист Н.Розиевнинг «Қарши фаворалари» каби илмий-оммабо мақолаларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Воҳа ижодкорларининг шеър ва ҳикоялари газетанинг ҳар бир сонидида бериб борилапти. 2006 йилдан «Ҳордиқ» дам олиш саҳифаси

ташkil этилганни газетонлар илиқ кутиб олишди.

Газета таҳлавларини кўздан кечирсангиз, унинг дизайнида замонавийлик билан аънавий услулари уйғунлашиб кетганлиги сезиладу. Ҳар бир сонининг макети ўзига хос. Шундай бўлса-да, ҳали тахририят анча изланишига тўғри келади. Чунки кўп ишлатилган, эски, такрор сарлавлалар ҳам учирайди.

Босмаҳонанинг камқувватлигидан бўлса керак, газетанинг босилиши, яъни матбаа ижроси талаб даражасидан орқада қолаётганини айтиб ўтиш лозим.

Умуман, «Адолат кучи» тахририяти газетани сифати қўйишга ҳаракат қилиб, муайян ютуқларга эришяпти, янги-янги режаларни белгилаб олган интилапти. Ҳаёт ҳар бир ижодкордан янги-янги фикрларини талаб қилапти. Энди эскича ёзиб бўлмайдۇ.

А.АСРОРОВ,
Республика Бош прокуратураси бўлим катта прокурори.



Абдувоҳид ТУРАЕВ олган сурат

Жажжи боғбонлар.

Хотин эрини шифокорга олиб келди. Врач эрини кўриклдан ўтказиб, хотинини кабинетига чақириб деди:

— Эрингиз менга учча ёқмаяпти.

— Менга ҳам ёқмайди, доктор. Лекин на илож — болалар уни яхши кўришадилар!

Афанди сабзавот дўконига кириб бир кило шолғом сўраган эди,

сотувчи йингит турп торга бошлади. Афанди мийғида кулиб сотувчидан сўради:

— Мулла Гафурбой, чамамда агрономлик ўқинини битирган эдингиз, қишлоққа бормай шаҳарда агрономлик қилаётган экансиз-да?

Сотувчи йингит тўғриллади:

— Шаҳар қишлоқ ўртасидаги фарқ йўқолиб борапти, шунинг билмайсанми, бобой!

— Э.., шунинг учун ҳам ўзларини шолғом билан турнингиз фарқи бормаган эканлар-да, — деди Афанди кулиб.

— Жонгинам, табиб бизга Багама ёки Канава ороларига бориб, дам олиб келишимизни тавсия этди.

— Қайси бирга борамиз?

— Бошқа табибга борамиз.

Қизиқарли факт

Ҳайвонлар ичида фақат шимпанзегина кўзгуга қараб ўзини таний олади.

Харфларни тўғри кетма-кетликта улаб, яширилган сўзни аниқланг. (Намунага қаранг).

Ц	М	Л	Я	С	К	Х	И	В	Х
Я	П	И	Е	А	М	К	Й	И	И
А	У	З	П	А	А	И	К	И	И
Л	Е	Х	Р	А	У	К	Й	И	И
А	У	З	Р	А	У	К	Й	И	И
Л	Е	Х	Р	А	У	К	Й	И	И
Л	Е	Х	Р	А	У	К	Й	И	И
Л	Е	Х	Р	А	У	К	Й	И	И

Апелляция П ИВА ГОЛ ААУ СС КЛИЙВ ИКИЯ ХИЯ РМ АНО

Ўтган сондаги ребус жавоблари: механиканилаштириган, даҳисизлик, энциклопедия, сервитут, капитализм.

Афоризм

Инсон дунёга йнглаб келар экан, атрофдагилар уни кулиб қарши олишадди. Аммо, ўлаётганда ҳамма йнгласа у кулиб кетади.

В.СИРОКОМЛЯ



HUQUQ
yuridik gazeta

Ta'rischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir vazifasini bajaruvchi:
Jahongir SHAROFBOYEV

Tahrir hay'ati:
Yusufboy G'OIPOV, Svetlana ORTIQOVA, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib vazifasini bajaruvchi), Pirmuqol QODIROV, Abduxoliq ABDURAZZOQOV

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-98-40, 133-26-62.
E-mail: info@huquq.uz.
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuoti va axborot agentligida 023-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ» dan olinganligi ko'rsatish shart. Tjorat ahamiyatiga molik materiallar belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma G — 456.
Gazeta tahririyati kompyuter bazasida teriladi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: D.XALILOV
Musahhili: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK boshmaxonasida ofset usulida chop etiladi. Korxon manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning chorsshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda

Boshmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 17.30. 1 2 3 4 5 6 7 8